



ИШОНЧ

16

1993
ийл
17—23
апрель
(109)

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг ҳафталик газетаси

КАСАБА
УЮШМАЛАРИДА

«Ишонч» мухбирлари
хабар қиладилар:



Бешарик шахридаги Бешарик момик фабрикаси Марказий Осиёдаги шу турдаги ягона фабрикадир. Фабрика ўз маҳсулотини қўшни республикаларгина эмас, балки ҳамдўстликдаги бошқа республикаларга ҳам соғади. Бу ерда, асосан, момик ва тиббиётда ишлатиладиган маҳсул пахта тайёрланади.

Суратда: (чапдан) Москвадаги «Алка» номли ол-

ди-сотти ва реклама акционерлик жамиятининг вакили Баҳодир Ҳайитов, Бешарик момик фабрикаси директори Иброҳимжон Ганиев ва Конибодом шахридаги «Ситора» кичик корхонаси вакили Турсунбой Азизовлар ўзаро мулоқотда.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат (ЎЗА)

БОЗОР иқтисодиёти қасаба уюшмалари фаолиятини ислоҳ қилиш, уларнинг химоявий вазифаларни самарали бажара оладиган янги тизимларини яратишни тақозо этаётир. Шу сабабли қасаба уюшмалари Сурхондарё вилоят кенгаши раёсати қарорига қўра шаҳар ва район қасаба уюшма кўмиталарининг маҳаллий ҳокимият органлари билан музокара-лар олиб боришлари, ўзаро битимлар тузишлари, меҳнаткашларнинг ижтимоий манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал қилиш ҳамда барча тармоқ қасаба уюшмаларининг ишларини мувофиқлаштириб бориш мақсадида вилоятдаги ҳамма шаҳар ва районларда мувофиқлаштириш кенгашлари тузилди.

ТЕРМИЗ дарё порти қасаба уюшмасининг ҳисобот-сайлов конференциясида бундан буён қасаба уюшмалари Сурхондарё вилоят кенгаши таркибига кириши ҳақида қарор қабул қилинди. Дарё порти қасаба уюшмаси шу вақтгача Туркменистон қасаба уюшмалари ихтиёрида эди.

ФУҚАРОЛАРНИ ижтимоий жиҳатдан ҳамда қонуний ҳуқуқларини химоя қилишда уларнинг бу соҳа бўйича зарур билим ва тушунчага эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан ҳам Наманган вилояти қасаба уюшмалари кенгаши бу борда янги ташаббус кўрсатди. Вилоят қасаба уюшмалари кенгаши қошида бепул ҳуқуқ маслаҳатхонаси ташкил этилди. Бош меҳнат ҳуқуқ инспектори Петр Фомич Бесшапошников раҳбарлик қилаётган мазкур ҳуқуқ даргоҳида турли масалалар билан келган кишиларнинг саволларига жавоб кайтариш билан бир вақтда меҳнат қонунчилиги, Президент Фармонларида ва бошқа меъёрий ҳужжатларда ифодасини топган қарорлар юзасидан тушунчалар берилмоқда.

КАМ таъминланган оилаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари қасаба уюшмалари Хоразм вилоят кенгашининг яқинда бўлган олтинчи йиғилишида муҳокама қилинди. Унда қабул қилинган қарорларга мувофиқ ана шундай оилаларга моддий ёрдам беришга киришди. Қасаба уюшмалари вилоят кенгаши шу мақсадларга 1,5 миллион сўм пул ажратди. Бу ҳайрли ишга бошланғич қасаба уюшма ташкилотлари ҳам ҳисса қўшмоқдалар.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси республика кўмитасининг бўлиб ўтган мажлисида, қишлоқ хўжалик ходимларини бозор муносабатларига ва хўжалик бошқарувининг янги формаларига ўтти даврида ижтимоий химоя қилиш чоралари ҳақидаги масала қўрилади. Бу ҳақда агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Қорақалпоғистон республикаси кўмитаси раиси П. Н. Қурбанов маъруза қилди.

Мажлисида қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МЕҲНАТ ВА СПОРТ ҲАМОҲАНГ

БУХОРО. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан химоялаш, уларнинг сихат-саломатлигини мустаҳкамлаш, барча жойда соғлом турмуш тарзини қарор топдириш долзарб вазифалардан биридир. Қасаба уюшмалари вилоят кенгашининг 15 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида ана шу масалалар атрофи муҳокама қилинди.

Қасаба уюшмалари вилоят кенгаши раиси Ш. К. Хайруллаев «Бозор иқтисодиёти шароитида вилоят қасаба

уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт ишларини қайта қуриш соҳасидаги фаолияти» тўғрисида маъруза қилди.

Музокарада агросаноат мажмуи ходимлари вилоят қасаба уюшмаси кўмитаси раиси Р. Ҳасанов, вилоят жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг раиси Б. Ғафоров, Шофиркон район қасаба уюшмалари мувофиқлаштирувчи кенгаши раиси С. Ноёиров, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси

В. Ф. Бойко ва бошқалар катнашдилар.

Мажлисида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Раиси Б. А. Алламуродов нутқ сўзлади. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Қасаба уюшмалари вилоят кенгаши низомига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Мажлис катнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов номига Мурожаатнома қабул қилдилар.

«Ишонч» мухбири,

Хабарлар МАҒЗИ



● ТЕРМИЗДА бўлиб ўтган халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгашининг сессиясида ташкилий масала кўриб чиқилди. Ҳаким Бердиев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вилоят ҳокими вазифасидан озод қилишди. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган Мамаюсуф Ҳолбоев ҳам бошқа ишга ўтганлиги муносабати би-

лан ўз вазифасидан озод қилинди.

Сессия Жарқўрғон райони ҳокими бўлиб ишлаб келган Жўра Норалиевни Сурхондарё вилояти ҳокими этиб, Термиз райони ҳокими бўлиб ишлаётган Жавбўри Абдулҳакимовни ҳокимнинг биринчи ўринбосари қилиб тасдиқлади.

Сессия ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

● ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислам Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси Туркменистонда бўлди. Республика-миз Президенти сафар

чоғида Туркменистон республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов билан суҳбатлашди, музокара-лар олиб борди. Туркменистон давлат университети талабалари билан учрашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Туркменистон республикаси Президенти Сапармурод Ниёзов ҳамкорлигида Чоржўй шахрида бўлди.

Ўзбекистон ҳукумат делегацияси бу ерда «Бун» агросаноат комплекси, кимё корхонаси, Халтурин номидан жамоа хўжалигида бўлиб меҳнаткашларнинг иш шароитлари билан танишди, ишчи-деҳқонлар билан суҳбатлаш-

ди.

● ТОШКЕНТДА Орол ва Каспий денгизлари муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар билан келишиб Орол—Каспий муаммосини мувофиқлаштириб турадиган доимий ишлаб турувчи кенгаш тузиш, унда халқаро ташкилотларнинг катнашишига кўмаклашиш белгиланди.

● ТОШКЕНТДА теннис бўйича ўсмирлар ўртасида халқаро мусобақа бошланди. Теннис кортларида, Польша, Эрон, Австрия ҳамда МДХ республикаларидан келган 50 га яқин теннисчи иштирок этмоқда.



ХАЗОРАСП. Бугунги кунда ип-йигирув фабрикаси райондаги энг йирик меҳнат жамоаларидан бирига айланмоқда. Мазкур корхонада иш ҳажми тобора ошиб, ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлиги ҳам яхшиланяпти. Иш ва дам олиш шароитлари талаб даражасига кўтарилмоқда. Ўтган йилги жамоа шартномаси бажарилиши якунларига бағишланган конференцияда ана шу ҳақда гап борди. Фабрика касабаси уюшмаси раиси Дилором Худайбергенова жамоа шартномасининг бажарилиши ҳақида ахборот берди.

Корхона жамоаси 1992 йилни муваффақиятли якунлади. 97 миллион сўм ўрнига 102 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Йил давомида 1165 тонна йигирилган ип тайёрланди. Янги техника ва технологияларни жорий этиш, меҳнат унвдорлигини ошириш бўйича кенг ҳажмдаги ишлар бошланди.

Жамоа шартномасида кўзда тутилган вазифалардан бири иш ҳақи тўлаш анча такомиллашди. Йил давомида ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақлари 5 марта оширилди. Моддий рағбатлантириш ва ижтимоий жамғармалардан ишловчиларга моддий ёрдам

ва имтиёзлар берилляпти. Фабрика шартномаси бажарилиши ҳақида ахборот берди.

ЖАМОА ШАРТНОМАЛАРИ ҚАБУЛ ҚИЛИНМОҚДА

ХОРАЗМ вилояти касабаси уюшмаси ташкилотларида 1992 йилги жамоа шартномалари якунларини муҳокама қилиш ва 1993 йил учун ана шундай ҳужжатларни қабул қилишга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтди. Уларнинг кўпчилиги танқид ва ўзи-ўзини танқид руҳида, талабчанлик вазиятида ташкил этилди.

ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари тарбияланмоқда. Ишчилар бепул транспорт хизматидан фойдаланяптилар.

Йиғилишда жамоа шартномасининг айрим бандлари бажарилмай қолганлиги кўрсатилди. Масалан, фабрикада 13—14-ойликлар берилмади, ишлаб чиқариш цехларида ишчиларни қайнатилган сув билан таъминлаш, ошхонада парҳез таомлар

ли соғлом иш шароити яратишда камчиликлар борлигини кўрсатади.

Янги тузилган жамоа шартномасида бу қайдлар инobatга олинди.

БОҒОТ. Тикувчилик фабрикасида бўлган конференцияда 1992 йил жамоа шартномаси бажарилиши якунлари ҳақида умумий гап-сўзлар бўлди, холос. Фабрика раҳбари Матрасул Сафоев

асосан ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилиши ҳақида тўхталди. Жамоа шартномасининг ишчиларга кўшимча имтиёзлар бериш, иш шароитини яхшилаш соҳасидаги топшириқлар қандай уддаланганлиги ҳақида юзаки гапирилди. Умуман, бу ерда 1992 йилги жамоа шартномаси бажарилиши якунларига бағишланган йиғилишга пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги маълум бўлди.

УРГАНЧ. Хоразм ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси — Урганч ипак ўраш фабрикасида жамоа шартномаси афзалликларидан унумли фойдаланиляпти. Бу корхонада ишлаётганлар учун барча қулайликлар яратиб берилган, жамоа шартномасида белгиланган имтиёзлар тўлиқ бериляпти. Умуман, корхона ижтимоий ривожлантиришга режадагидан деярли икки баробар кўп маблағ сарфланди.

Жамоа шартномалари бажарилишини муҳокама қилишга бағишланган йиғилишларда касабаси уюшмалари вилоят кенгаши раиси О. Юсупова қатнашди ва сўзга чиқди. Йиғилишларда 1993 йил учун жамоа шартномалари қабул қилинди. **Шихназар АҲМЕДОВ, «Ишонч» мухбири.**

ДАВРА СУҲБАТИ

Давр ўзгарди. Ана шу ўзгариш, янгиликлар жараёнида юзага келган мураккаб иқтисодий шароитда англашилмовчиликлар кўпчилигини шошириб қўйди. Бирок, янги жамият истикболига умид сўнгани йўқ. Айниқса, республикамиз мустақиллиги бу ишонччи янада мустаҳкамлаёттир. Шундай бир пайтда касабаси уюшмаларининг мавқеи мустаҳкамланиб, меҳнатқашларнинг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш, уларни ижтимоий химоялаш борасидаги масъулияти янада ошиши шубҳасиздир.

Яқинда Навоий вилоятининг Хатирчи районида бўлиб ўтган янгида шаклланаётган иқтисодий шароитда касабаси уюшмаларининг ўрни ҳақидаги давра суҳбати мавзуси ҳам шунга қаратилди. Унда агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмалари вилоят кўмитасининг мутахассислари район касабаси уюшмалари фаолларига шу хусусда тушунча бердилар.

Давра суҳбатида агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмалари вилоят кўмитаси раисининг муовини Р. Қарпов «Бозор иқтисоди шароитида касабаси уюшмаларининг фаолияти ҳақида», ташкилий-оммавий ишлар бўлими мудири А. Хайитова «Касабаси уюшмаларида ишни ташкил этиш», ижтимоий суғурта бўлими мудири С. Камбаров «Давлат ижтимоий суғуртаси ва хўжалик ижтимоий суғуртаси», бош ҳисобчи З. Жумаев «Касабаси уюшмаларининг маблағи, молиявий ишларнинг юритилиши тўғрисида», меҳнат ва ҳуқуқ инспектори С. Намозов «Меҳнат қисқисининг ҳақ-ҳуқуқларини химоя қилиш», меҳнат ва техника бўлими мудири А. Абдиев «Ишлаб чиқаришда меҳнат ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш», ишонччи ҳақим З. Жўраев «Касаллик варақалари ва меҳнатга яроқсизлик ҳақидаги ҳужжатлар билан ишлаш тартиби» мавзуларида чиқиш қилдилар.

Суҳбат давомида агросаноат мажмуи ходимлари касабаси уюшмалари вилоят кўмитаси мутахассислари район касабаси уюшмалари фаоллари томонидан берилган саволларга жавоб қайтардилар.

«Ишонч» мухбири.

ЧОРА КЎРИЛДИ

УЧҚЎРҒОН район босмахонасидан жойларга шикоятлар туша бошлади. Шамол бўлмаса дарахтнинг барги қимирламайди, деганларидек, бу бежиз эмаслиги тасдиқланди. Маданият ходимлари Наманган вилояти касабаси уюшмаси кўмитаси томонидан ўтказилган текширишда қатор хато-нуқсонлар очилди. Ишчиларни бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий химоялаш қониқарсиз олиб берилган. Ўтган 9 ойда 243 минг сўм фойда олинган бўлсада, уларга ҳеч қандай имтиёз берилмаган. Такдирлаш Низоми ишлаб чиқилмаган, мукофотлар тахминий равишда тақсимлангани. Тушлик пули берилмади. Йил давомида қийин иқтисодий аҳволдаги ва кўп болали ишчиларга ташкилот ҳисобидан ёрдам кўрсатилмаган. Меҳнат таътили, нафақага чиқиш даврларида мукофотлаш ҳеч қимнинг эсига келмайди. Етарли меҳнат шароити яратилмаган, цехлар дим, шамоллатиш ташкил этилмаган. Меҳнат муҳофазаси қоидалари кўпол равишда бузилмоқда. Дам олиш хонаси йўқ. Маҳсул кийим-бош, сут ва қатик бериб берилмайди.

Ушбу камчиликларни пухта ўрганиб чиққан кўмита вилоят матбуот бошқармаси олдида бу аҳволга ўта масъулиятсиз билан қараган босмахона директори Иброҳим Муҳиддиновни ишда қолиш-қолмаслиги масаласини қўйди. Бошқарма касабаси уюшмаси кўмитаси талабини тўғри деб топди ва босмахона директори эгаллаб турган вазифасига нолайик деб топилди.

«Ишонч» мухбири.



Қува райони М. Раҳматов номи жамоа хўжалиги аҳолиси хонадонларига табиий газ келди. Бундай қувончли дамларнинг мугасаддилари — моҳир пайвандчилар Маҳаммад Турдиев ва Ганижон Қозоқовлардан барча миннатдор.

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ КЕНГАШИДА

● ТОШКЕНТ вилояти касабаси уюшмалари кенгаши ҳозирги қийин шароитда аҳолини иқтисодий жиҳатдан химоя қилиш бўйича бирмунча тадбирларни амалга оширмоқда. Шундай ишлардан бири вилоятдаги нафақа олувчилар, ногиронлар, меҳнатга қобилиятсиз кишиларни иссик овқат билан таъмин этишдир. Мазкур тадбир туфайли шу қушларда ана шу тоифадаги 800 нафардан ортиқ кишига ҳар кун бепул иссик овқат ташкил этиляпти.

● КЕЙИНГИ вақтларда талабаларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга катта эътибор берилмоқда. Етоқхоналарда етарли шарт-шароитлар яратиб бериш кун тартибидан асосий масалалардан бири бўлмоқда. Жумладан, талабалар етоқхоналари

учун вилоят касабаси уюшмалари кенгаши 10 та телевизор сотиб олиб берди. Етоқхоналардаги турмуш шароити касабаси уюшмалари томонидан ўрганилиб, текшириб бориляпти. Ана шундай текширув тадбирларидан сўнг халқ таълими, агросаноат мажмуи, тиббиёт ходимлари вилоят касабаси уюшмалари кўмиталари олий, ўрта таълим, хунар-техника билим юртиларига турли мебеллар, ошхона жиҳозлари, идиш-товок ва турли ускуналар сотиб олиш учун маблағ ажратди. Шу жумладан Агроуниверситет, Ангрен, Чирчик, Янгийўл тиббиёт билим юртиларига катта маблағлар берилди.

● ВИЛОЯТ касабаси уюшмалари кенгаши аҳолини ижтимоий химоялашни кучайтириш билан бирга халқ

хўжалигида меҳнатни муҳофаза қилишда ҳам қатор тадбирларни тузиб амалга оширмоқда. Вилоят касабаси уюшмалари меҳнат-техник нозирлари кейинги бир йилда 900 га яқин текширув ишларини олиб бориб ўн уч мингдан кўп меҳнат ҳақидаги, меҳнат ва атроф-муҳит муҳофазаси қонун-қоидалари бузилаётганлиги ҳолатларини аниқладилар. Ўн бир мингдан кўп қонунбузарлик касабаси уюшмаларининг аралашуви туфайли бартараф этилди.

Меҳнат техник нозирлари ташаббуси билан ишловчилар ҳаёти ва соғлиғига хавфли бўлган 16 та ишлаб чиқариш цехи ва участкаси, 377 станок, машина ва ускуналар тўхтатиб қўйилди.

Атроф-муҳит, меҳнат муҳофазаси қонун-қоидалари бузилгани учун 139 мансабдор шахсга нисбатан кескин чоралар қўрилди, шу жумладан 27 киши мансабидан бўшатилди.

Будир ПЎЛАТОВ, Тошкент вилояти касабаси уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.



Андижон вилоятининг Асака шаҳрида вилоят ва район раҳбарлари вакилларининг маориф тизими ходимлари билан бевосита мулоқоти бўлиб ўтди. Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси иш услуби, касаба уюшмалари ҳуқуқлари ва кафолатлари, ҳукумат идоралари билан тузиладиган ўзаро битимлар ва шунга ўхшаш мавзулардаги маърузалар тинглангач, савол-жавоблар бошланди.

Қуйида ошкора мулоқотдаги савол-жавобларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

7-ўрта мактаб ўқитувчиси Нажmiddинова:

— Шаҳримиздаги корхоналардан бирига қарашли уйда истикомат қиламан. Педагогларга берилган имтиёзлар билан уйни хусусийлаштиришим мумкинми?

Асака шаҳар ҳокимининг муовини Турсунбой Ҳамдамов жавоб берди:

— Шаҳримизда сиз каби маорифчиларнинг жуда кўпи яшаб турган уйларини имтиёзли хусусийлаштириб бўлдилар. Сиз ҳам ҳужжатларингизни олиб бемалол бизга мурожаат қилинг.

Асака райони 1-мактаб. Раҳмонли Ашурматов:

— Ўқитувчиларнинг тушлик овқати учун мактаб ошхона ва буфетларига алоҳида маҳсулот берилса яхши бўларди. Маҳаллий ҳукуматнинг бунга имкони етadими?

Турсунбой Ҳамдамов:

— Маълумки, ҳар бир фуқарога яшаб турган жойидан меъёрлаштирилган озик-овқат маҳсулотлари махсус талон билан берилди. Буни иш жойларида ҳам йўлга қўйишнинг имконияти йўқ. Қолаверса ташкилотлар ўз ишчи ва хизматчилари учун ички имкониятлари кўтарса тушлик пуллари ажратади.

13-мактаб. В. Зайниддинов:

— Корхоналарда ишчилар йил охирида 13-, ҳатто 14- маошлар олади. Биз эса фақат маош оламиз. Бизга ҳам 13-маош берилишига касаба уюшмалари ёрдам бера оладими?

Фан ва маориф ходимлари вилоят касаба уюшмаси раиси Азиза Насриддинова:

— Корхона ва ишчиларга берилган 13- маош ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинadиган кўшимча даромад ҳисобидан тўланади. Бизнинг соҳамизда ишлаб чиқариш ҳам моддий даромад ҳам йўқ. Маошларимизни давлат бюджетидан оламиз. Кейинги пайтда ҳукумат бизнинг соҳа кишилари учун жуда катта ғамхўрликлар акс этган фармонларни кучга киргизди. Ўқитувчиларнинг ижодий изланиши, ўз устида ишлаши учун шароитлар яратилди. Иш ставкалари қискартирилиб, маошларимиз ошди. Тўғри, 13- маош олмаймиз. Лекин ҳозир амалдаги қондага мувофиқ ҳар бир маорифчи йиллик маошининг икки фонзи даражасида мукофот олиши йўлга қўйилган. Буни мукофот деса ҳам, 13-маош деса ҳам бўлади. Сиз шаҳар халқ таълими бўлиmidан икки фонзлик мукофотни талаб қилишга ҳақлисиз.

45-мактаб ўқитувчиси С. Турғунов:

— Асака Андижон шаҳрига чегарадош бўлгани учун Андижондан қатнаб ишлайдиган ўқитувчилар анчагина. Бугунги нархнаво ошган кунларда қатнов йўлкираси уларни қийнаброк турибди. Бирор имтиёз учун ёрдамнинг иложи борми?

Азиза Насриддинова:

— Бу муаммо бизнинг касаба уюшмамиз кун тартибидан анчадан бери бор. Ҳозир Асаканинг ўзида

ОШКОРА МУЛОҚОТ

ўқитувчилар транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. 930 та асакалик халқ таълими ходимлари учун ойига 223 минг 200 сўм, йилга эса 2 миллион 678 минг 400 сўм пул ажратилапти. Бизнинг вилоят халқ таълими бошқармаси билан тузган 1993 йилги ҳамкорлик битимимизда сиз айтган масала алоҳида банд қилиб киритилган. Ижобий ҳал бўлиб қолса ажаб эмас.

1-боғча тарбиячиси Турғуной Назирова:

— Мактаб ва боғчалардаги фаррошлар, иситиш шахобчаларига ўт ёқувчилар меҳнати қандай муҳофаза қилинади. Уларга бирор имтиёз берилганми?

Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси меҳнатқашларни соғломлаштириш, улар меҳнатини муҳофаза қилиш доимий комиссияси раиси Саидакбар Зайнобиддинов:

— Ўзбекистон меҳнат қонунлари мажмуасининг 172-моддасига асосан меҳнат шароити зарарли бўлган ишчи ва хизматчиларга белгиланган меъёрларга мувофиқ сут ёки унга тенг келадиган бошқа озик-овқат маҳсулотлари текин бериб борилади. Маориф соҳасидаги иситиш қозонларининг ўт ёқувчилари шу имтиёздан фойдаланadилар.

Бундан ташқари фаррошлар, ўт ёқувчилар, кўча супурувчилар, лаборантлар, мактаб устахоналари ишчилари белгиланган муддатларда махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий химоя воситалари билан таъминландилар. Бу ишлар билан мактаб ёки боғчанинг хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосарига мурожаат қилинади. Ушбу мақсадда маблағлар халқ таълими бўлиmlарида, қишлоқ жойларида эса қишлоқ кенгашларида бўлади.

Асакадаги 3-мактаб. А. Эрматов:

— Агар ўқитувчи иккита мактабда ишласа, иккаласида ҳам тарификациядан ўтган бўлса ҳам, меҳнат таътили пули иккинчи иш жойидан тўлиқ берилмайди. Бундан ташқари касаллик варақасига ҳам фақат битта мактабдаги иш ҳақи асосида пул тўланади. Шу тўғрими?

Вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси молия бўлими мудир Мирҳомид Аҳмедов:

— Ўқитувчи асосий ва ўриндошдик қондалари асосида иккита мактабда ишласа ва иккаласида ҳам тарификациядан ўтган бўлса, у ҳолда таътил ва касаллик варақаси учун умумий қонда асосида пул тўланади.

Лекин иккала мактабдаги тўланган пул миқдори икки ставка ҳисобидан ошиб кетмаслиги керак. Иккала мактаб ҳам битта халқ таълими бўлимига қарашли бўлса унга мазкур идоранинг касаба уюшмаси раисига ва ҳисобчилари (бухгалтери)га мурожаат қилини-

лоят касаба уюшмаси раисининг муовини Жалолиддин Юсупов:

— Спартакиадалар ўтказилма-япти эмас, фақат бу борада режалар шакли бироз ўзгарган. Яъни спортнинг ҳамма турлари бўйича бирварақайига спартакиада ўтказиш ҳар бир мусобақага, ҳар бир спортчига синчков, жиддий муносабатда бўлиш имконини чеклаб қўяркан. Вилоят бўйича ҳар бир спорт тури бўйича алоҳида-алоҳида мусобақалар йиғинлари ўтказиш мақсадга мувофиқ кўринди. Ва бунга амал қилинапти.

— 10-боғча тарбиячиси Жўраева:

— Бизнинг боғчамизда мусика соатлари учун алоҳида хонамиз йўқ. Устига устак мусика асбобларимиз ҳам анчадан буён бузук ётибди. Халқ таълими бўлими шу борада бизга ёрдам бера оладими?

Асака шаҳар халқ таълими мудир Инокентий Васильевич Ногай:

— Маълумки 10-боғча мослаштирилган бинода жойлашган. Кейинги пайтда тарбия гуруҳларининг ортгани учун мусика хонаси бўлмай қолган. Лекин барибир ички имкониятларнинг ҳаммасини ишга солиб кичикрок бўлса ҳам бир хона ажратиш керак. Мослаштирилган бинога кўшимча хона қуришнинг имкони йўқ. Шунинг учун имкониятлар қидиришга тўғри келади. Мусика асбоблари масаласига келсак, бузилиб қолган мусика асбобини халқ таълими бўлиmidан келиб устага элтиб беришга ҳожат бўлмаса керак. Уни ўзларингиз устага беринг, кетган харажани қоплашда биз ёрдам берайлик. Мен боғчанинг хўжалик ишлари мутасаддисига, мудирига ва мусика муаллимига бироз жонқуярлик, изланувчанлик тилайман.

34-мактаб. И. Шаҳобиддинов:

— Дафн маросимларига берилadиган пуллар ҳақида маълумот берсангиз. Бу пул қимнинг номига расмийлаштирилади? Қимга берилади?

Жалолиддин Юсупов:

— Дафн маросимига касаба уюшмаси томонидан ажратилadиган пул марҳум ишлаган ташкилотдан берилади. У марҳумни кўмиш жараёнида энг яқин кишига берилади. Шундай тушунмовчиликлар ҳам бўляптики, масалан, мактабда ишлаётган муаллимнинг отаси ёки онаси вафот этса касаба уюшмасининг белгиланган қонда асосидаги пули берилмайди. Балки ўша азадор ходимга моддий ёрдам тарзида пул берилади. Ҳамкасбларнинг ўзаро хинмат ёрдами бундан мустасно. Лекин «дафн учун» деган 7000 сўмлик маблағ фақат вафот этган одамнинг иш-хонасидангина берилади.

Бу тарздаги ошкора мулоқот вилоят касаба уюшмалари ташаббуси билан ҳамма тармоқлар бўйича барча районларда ўтказилаяпти. Бундан жойлардаги бошланғич ташкилотлар фаоллари ва касаба уюшмалари аъзолари жуда хурсанд бўлмоқдалар.

Саҳифани «Ишонч»нинг Андижон вилояти муҳбири Замира РҮЗИЕВА тайёрлади.



ИҚТИСОДИЙ ислохотлар ўзининг ижобий ва салбий натижаларига эга. Ўзбекистон шароитида бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилмоқда. Бозор муносабатларининг асосида нарх-наво сиёсати ва иқтисод ётади. 1991—1992 йиллар мобайнида харид, чакана, улгуржи, бозор ва тижорат нархлари охиш борди. Ўзбекистон раҳбарияти ўз навбатида нархлар эркин белгиланиши натижасида даромадлари аниқ қилиб қўйилган шахсларнинг иш ҳақини ошириш, меҳнатга тўланадиган ҳақ ва нафақаларнинг энг оз миқдорини ўзгартириш юзасидан бир неча марта қарорлар қабул қилди. Биргина 1992 йилда иш ҳақининг энг оз миқдори 5 марта оширилди. Бу қарорларнинг тагида давлат имкониятлари: давлат бюджети, миллий даромад ва валюта фонди ётади. Бу чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий ночор табақалари: етим-есирлар, болалар, ўқувчилар, нафақачилар, ногиронларни, ёлғиз оналар ва камбағал оналарни ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш йўллари очиқ бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси аҳолини энг зарур озик-овкат маҳсулотлари билан таъминлашда кескинликни йўқотиш учун энг муҳим молларни белгиланган нархлар бўйича маълум миқдорда бериш, халқ истеъмоли молларини купонлар бўйича сотиш, маҳсулотни Республика ташқарисига маълум руҳсатнома — лицензияга мувофиқ олиб чиқиб кетиш тартибини жорий қилди.

Ўзбекистон Республикаси валюта тушумининг талайгина қисми чет эллардан озик-овкат ва дори-дармон харид қилишга сарфланди. 1992 йилда доннинг ўзидангина 3,2 миллион тонна харид қилинди, 40,5 минг тонна гўшт сотиб олинди. Кишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархининг бир неча бор кўриб чиқилиши кишлоқ аҳолисининг моддий фаровонлигини барқарорлашувига катта роль ўйнади. Масалан, кейинги йилларда умуман нарх-наво 10 баравардан зиёд ошди, пахта харид нархининг ўзига 9 баравар ошди. 1992 йил харид нархлари охириги марта 1,5 баравар оширилди, натижада кишлоқ хўжалигида 52 миллиард сўм, пахтачиликда эса 38 миллиард сўм қўшимча даромад сифатида янги даромад вужудга келди.

Маъна шуларнинг ҳаммаси ички бозорнинг ҳолатига ижобий таъсир ўтказди, бу аҳоли турмуши тарзининг кескин ёмонлашувига йўл қўймади. Республикаимиз келажаги, аҳолининг озик-овкат маҳсулотлари билан тўла таъминлаш кишлоқ хўжалигимизни янада ривожлантириш билан узвий боғланган. Авваламбор, кишлоқ хўжалиги билан саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги мувозанатни тиклаш керак. Бунинг учун эса кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид нархларини жаҳон даражасига етказгунча муттасил ошириб бориш керакдир. Ўзбекистонда келишилган, амал қилинаётган янги чакана нархлари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларига нисбатан пастдир.

1993 йил 18 январгача охириги чегараланган чакана нархлари қуйидаги озик-овкат товарларига белгиланган эди: 1 кг ок, аралаш ва қора ноннинг ўртача нархи магазинда 10 сўм, ун — 12 сўм, макарон 22 сўм, ўсимлик ёғи — 20 сўм, чой — 120 сўм, гўшт — 80 сўм, 1 литр сут — 10 сўм, 1 дона хўжалик совуни — 10 сўм. Республика

ҳукумати аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий жиҳатдан химоя қилиш мақсадида озик-овкатларга чакана нархларнинг кескин оширилишига йўл қўймади. Гарчи коммунал хизмат, транспорт, бензин нархлари ошган бўлсада, бюджет ҳисобига озик-овкат товарларга қўйилган чегараланган чакана нархлари арзонроқ белгиланган. Масалан, талон билан аҳолига сотиладиган 1 кг. гўшт учун республика бюджетдан янги чакана нархларида бюджетдан 60 сўм, 1 кг. ун учун ўртача 18 сўм, 1 кг туруч учун 4 сўм, 1 кг ўсимлик ёғи учун 7 сўм, 1 кг чой учун 140 сўм, 1 дона хўжалик совуни учун 7 сўм ажратилган эди. Ўз навбатида кишлоқ хўжалигида маҳсулотларга белгиланган харид нархлари сезиларли даражада оширилди. 1 литр сут давлатга 10 сўмга сотилмоқда еки икки баравар оши-

1 кг гўштнинг давлат нархи Олмаотада 341 сўм; Бишкекда 257 сўм, Киевда 524, Москвада 535 сўм, Санкт-Петербургда 277 сўм, Тошкентда эса 150 сўм.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларининг шаклланиши ва нархларнинг либерализациялаш — эркин оширилиши шароитларида аҳолини ижтимоий химоя қилиш бўйича мақсадли тадбир-чораларни амалга оширмоқда. Бозор муносабатларига — бозор иқтисодига босқичма-босқич ўтишининг янги даври 1993 йилдан бошланди.

Ўзбекистон Республикасида ички истеъмол бозорини химоя қилишни кучайтириш, савдо ташкилотларининг бир маромда ишлашини таъминлаш ҳамда аҳолининг биринчи навбатдаги энг зарур озик-овкат ва ашёвий молларга бўлган эҳтиёжларини ўз вақти-

Иш ҳақи, нафақа ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ харажатлар 1993 йилнинг ўзида 60,2 миллиард сўмдан ортиқроқ бўлади, шу маблағнинг 35,7 миллиард сўми бюджет ҳисобидан ва 24,5 миллиард сўми нафақа жамғармасидан бериллади.

Вазирлар маҳкамасининг илгари қабул қилган «1993 йилда Ўзбекистон Республикаси истеъмол бозорини химоя қилиш тўғрисида» ва «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий қилиш тўғрисида»ги қарорлари билан бирга ушбу фармон республика аҳолисининг ижтимоий химоялангани янада кучайишини таъминлайди.

Муқаддас ва улуғвор баҳор байрами Наврўз арафасида Ўзбекистон Президенти ва ҳукумати аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш бўйича муҳим фармон ва қарор қабул қилдилар. Улардан бири 1993 йил 1 апрелдан меҳнат ҳақи, нафақалар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш ҳақида бўлиб, у энг оз иш ҳақи ва стипендияларни, шунингдек, бюджет ташкилотлари ходимлари иш ҳақини 1,2 баравар, нафақаларни эса 1,3 баравар оширишни назарда тулади. Иккинчиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Республика аҳолисини болалар товарлари ассортиментига кирувчи энг зарур молларнинг асосий турлари ва ипгазилмалар билан имтиёзли нархларда ишончли таъминлаш тўғрисидадир. Ҳар икки фармон ва қарорни амалга ошириш учун давлат маблағларидан қилинадиган харажатлар алоҳида олинганда 1993 йилнинг ўзида 60 ва 40 миллиарддан зиёд сўм сарфланади.

Бу тадбир-чоралар аҳолини ижтимоий химоя қилишнинг ёрқин далилидир. Чунки Республикаимиз 22 миллионли аҳолисининг ярмини 16 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасининг кучли социал-ижтимоий сиёсати қарияларимиз, муҳтож оналарни ҳам ўз химоясига олган.

Галдаги вазифа социал-ижтимоий химоя механизмини такомиллаштириш, кучайтиришдан иборатдир. Бу механизм нархларнинг кескин ошиши, пул инфляцияси-қадрсизланишига қарши туриши, аҳолининг турмуш даражасини ишончли химоя қилиши шартдир. Хозирги шароитда Россия Федерациясининг нарх-наво сиёсати таъсирида, молия-пул соҳасидаги иқтисодий агрессияси-гегемонлик монополизми, фарзўйлик, иқтисодий блокада сиёсатининг касофати туфайли мустақил давлатлар ҳамдўстлигига кирувчи республикаларда нарх-наво охиш бормоқда. Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг раҳбарлари учрашган 1993 йил Тошкент кенгаши қарорига кўра бу кайд қилинган республикалар Марказий Осиё минтақаси мустақил давлатлар ҳамкорлигига асос солидилар.

Тарихи, аънаси ва дини бир хил бўлган Туркистон халқлари бу минтақадаги бой хомашё ва ишчи кучи ресурсларидан тўла фойдаланиш имкониятларига эга бўладилар, натижада халқ фаровонлиги кескин охиш келажақда жаҳон даражасига кўтарилади.

Эркин ТУХТАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси
Иқтисодий илмгоҳининг катта
илмий ходими, иқтисод фанлари
доктори.

НАРХ-НАВО

ВА ИҚТИСОД

рилди. Тирик вазнда мол гўшти 1,5 баравар, кўй гўшти 1,3 баравар, чўчка гўшти 1,7 баравар оширилган эди. 1 кг гўшт сўйилган вазнда 120 сўм қилиб белгиланган эди. Четдан келтириладиган озик-овкат маҳсулотлари кўп харажат талаб қилади. Шунинг учун кейинги вақтда Қозоғистондан келтирилдиган 1 кг буғдой 25 сўм, ундан олинган ун, уни саноатда қайта ишлаш давомида қилинган харажатни бирга ҳисоблаганда 1 кг 35 сўмга тушган эди. Кейинги вақтларда мустақил давлатлардан келтирилдиган 1 кг гўшт 90—100 сўмга, сариғ ёғ эса 180—200 сўмга тушган эди. Эндиликда чет эллардан келтирилаётган озик-овкатлар сотиб олиш халқаро-жаҳон нархларида ва валюта ҳисобида ҳисоб-китоб қилинмоқда. Умуман кейинги вақтларда харид, чакана, улгуржи, бозор ва тижорат ҳамда келишилган эркин нархларнинг ўсиб бориш тенденцияси сезилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 18 январь қарорлари билан гўшт ва шакар маҳсулотлари белгиланган чакана ва харид нархлари ўзгарди. 1 кг гўштнинг чакана нархи 150 сўм, 1 кг шакарнинг чакана нархи эса 100 сўм бўлди. Четдан олиб келинаётган маҳсулотларнинг бозор ва тижорат нархлари ҳаддан ташқари тез охиш бормоқда.

Эндиликда Украинадан келтирилаётган хар килограмм шакар 190—200 сўмга тушмоқда. Жаҳон бозоридан 200 сўмдан кам эмас. Аҳолига эса 100 сўмдан сотилмоқда. Қозоғистонда сотиб олинаётган хар бир кг гўшт эса йўл харажатлари билан Ўзбекистонга 535 сўм билан етиб келмоқда. Чет элдан олинаётгани эса 575 сўмдир. Аҳолига 150 сўмдан сотилмоқда. 1 кг. шакарнинг давлат нархи Олмаотада 240 сўм, Бишкекда 160 сўм, Киевда 204 сўм, Москвада 214 сўм, Санкт-Петербургда 175 сўм, Тошкентда эса 100 сўмдир.

барқарор таъминлаш, кондириш мақсадида Вазирлар маҳкамаси меҳнатқашларнинг истакларини ҳисобга олиб «1993 йилда Ўзбекистон Республикасининг истеъмол бозорини химоя қилиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қабул қилинган қарорда молларни купонли карточкалар билан сотишнинг мавжуд тизимини 1993 йилда сақлаб қолиш кўзда тутилди. 1993 йил 1 январдан бошлаб янги нусхадаги купонли карточкалар муомалага чиқарилди, уларнинг ёзиб қўйилган қиймати оширилиб, 150, 200, 500, 1000 ва 2000 га етказилди. Улар иш ҳақи, пенсия, стипендия ва бошқа тўловлар билан айна бир вақтда берилиши белгиланган. Айни вақтда 1992 йил нусхасидаги купонлар бекор қилинди. Хозир Республикада мустақил давлатлар ҳамкорлигининг бошқа минтақаларига қараганда озик-овкат маҳсулотлари ва ашёвий молларнинг нархлари нисбатан паст бўлиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1993 йил 1 январдан меҳнат ҳақи, нафақалар ва стипендияларнинг миқдорларини ошириш тўғрисида»ги фармони кўра Ўзбекистон Республикасида иш ҳақи ва меҳнат нафақасининг энг оз даражаси 1,25 баравар оширилди ва уларнинг энг оз миқдори ойига 2500 сўм қилиб белгиланди, ваҳоланки 1992 йил давомида унинг ҳажми 350—550—1000—1250—2000 сўм қилиб белгиланган эди. Энг оз иш ҳақи миқдори ойига 2500 сўм қилиб белгиланиши халқ хўжалигида барча ишловчилар учун тариф ставкалари ва мансаб окладларини, шу жумладан бюджет маблағи билан таъминланадиган муассаса ва ташкилотлардаги тариф ставкалари ва мансаб окладларини давлат айни бир вақтда 1,25 баравар кўпайтирди, ваҳоланки 1992 йил давомида босқичма-босқич 1,5—1,7—1,8—1,6 баравар оширилган эди.

ҲАЖ САФАРИ ЎРНИГА...

ФАРФОНА вилоятининг Бағдод районидagi Қаҳат кишлоғида Солижон Маҳкамов ҳам барча мўмин-муслмонлардек муқаддас Ҳаж сафарига боришни орзу қилиб юрарди. Кейин эркинлик шабдаси ила азалий Ислоом байрамлари, қадриятлари, маърақалари кишлоқларда ҳам эркин-эркин ўтказила бошлангач, унинг кўнгида

яна бир орзу туғилди. Кишлоқдаги «Оқмозорбува» қабристонидagi қаровсиз қолган эски мачит биноси нураб, тўкилиб борар, торлигидан унга ҳайит ва жума қушлари ташриф бўлган номозхонлар сўғмасди ҳам.

Солижон бува кишлоқ мачитини кўп жойлардагидек кўркам, кенг ва ёруғ бўлишини истарди. Шундай ўйлар

билан юраркан, бир куни икки ўғли — Шокиржон ва Бахтиёржонни ёнига чорлаб: «Кўлимдаги Ҳаж сафарига деб йнгиб юрган маблағимни янги мачит қуришга сарфласам», деди. Ўғиллари ота гапини қувватлашди. Бу эзгу иш учун қандай ёрдам керак бўлса ҳаммасини беришларини айтишди.

Тез орада қурилиш бошлаб юборилди. Кўкондан 120 минг гишт олиб келиниб, йнгилар учун катта хона, ўр-

тада ҳайит ва жума номози учун зал ҳамда маҳалла номозхонлари учун умумий хонадан иборат уч хонали кўркам, ёруғ мачит биноси кад кўтара бошлади. Маҳалла аҳли ҳам қараб туришмади, ўзбекнинг қадимий удуми бўйича ҳашар қилишиб, қурилишга ўз хиссаларини қўшишди, ўзидан орттирганлар 500—600 сўмдан пул бериб қурилишни моддий жиҳатдан ҳам қувватлашди.

Ҳозир бу ердаги ишлар

ниҳоясига етай деб қолди. Охунбобоев номли жамоа хўжалигининг моҳир усталари — бош уста Хаминжон Қурбонов, унинг ўғли Бобожон ҳамда Лукманжон Эгамовлар мачит биноси айвонини тиклашиб, устунларга нақш солишмоқда. Жамоа хўжалиги раҳбарлари ҳам бу эзгу ишда қўлларидан келгунча ўз ёрдамларини аяшмаяпти.

«Ишонч» мухбири.



КЕЙИНГИ йиллари табиати муҳофиза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш борасида республикамизда, жумладан Жиззах вилоятида бирмунча ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Биргина 1991 йилда Жиззах вилояти бўйича экологик ҳолатни яхшилашга 6 миллион 258 минг сўм маблағ сарфланди.

Биз яшаётган муҳитнинг софлиги ҳар биримизга ва ҳаммамизга боғлиқдир. Бунга пахта тозалаш саноати, йўл қурилиш ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари, I-қурилиш ашёлари комбинати шароитида кўриш мумкин. Бу ерларда табиат мусофлиги учун қураш намунаси ташкил этилган.

Бирок, вилоятимиздаги ўнлаб саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, автомобил транспорт ва қурилиш корхоналари атроф-муҳитни ифлослантурувчи асосий мамбаъдир. Жиззах шаҳридаги 2517-автокорхона ва оҳак заводи жамоаси учун моддий жиҳатдан азият чекишга тўғри келди. Тўғри, ушбу меҳнат жамоалари экологик вазиятни яхшилаш учун ҳеч қандай чора-тадбирлар кўрмапти, деб бўлмайди. Айниқса, оҳак заводида сўнгги уч йил мобайнида оҳак чангларини сув пуркаш усули билан ушлаб қоладиган қурилма ўрнатиш учун 1,5 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Жиззах шаҳридан 30 чакирим олсикда, Фориш райони худудидаги янги оҳак заводидаги қурилиш маблағ етишмаслиги туфайли кечикмоқда. Республика қурилиш маҳсулотлари вазирлиги мазкур заводни тезроқ фойдаланишга топшириш чораларини кўрсатиб савобли иш бўлур эди.

1987 йилда Жиззах шаҳрида образив заводи қурилиши бошлаб юборилган. Уша кезларда табиатни муҳофиза этиш чоралари ҳали шаклланмаган эди. 1989 йилда завод қурилиши ҳужжатлари қайта кўриб чиқилганида завод келгусида инсон саломатлигига зарар еткази-

диган маҳсулот — монокуронда (чархлар кайроқлари, пармалаш бурғулари) тайёрлаш маълум бўлди. Агарда номи тилга олинган маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида чиқинди лойиҳадаги нормадан I миллиграмм охиб кетса, пешонада, чаккада кучли оғрик, бош айланиши, кулоқ шангиллаши, нафас йўлларининг касаллиги, калтирок, кўркув ва бўшашувчанлик аломатлари, ташналик, кайд қилиш, сурункасига захарланиш, нутқ бузилиши, асаб, инфаркт миокарди каби касалликлар келиб чиқиши мумкин экан. Шунинг учун завод

атрофидаги тўқайзорларда, канал бўйларида балиқ, парранда, мўйнали хайвонларга тузок қўяётганларга ҳам шифат қилинмайди.

Ер сўғориладиган майдон, ёхуд яйловми, умумхалқ бойлиги ҳисобланади. Ерни яроқсиз қолга келтиришга ҳеч қимнинг, ҳеч бир ташкилотнинг ҳаққи йўқ. Инсонни тўғирладиган ҳам, кийинтирадиган ҳам ер экан, унинг ҳар бир қаричини эъзозлашимиз керак. Аммо вилоятдаги айрим хўжаликлар, корхоналарнинг раҳбарлари ер муҳофизасига ўта бепарво муносабатда бўлмоқдалар. Ерлардан хўжасизларча

лот М. Самадовларнинг ҳар бири 300 сўмдан, 5 та бўлим бошқарувчиларининг ҳар бири 100 сўмдан жарима тўладилар. Дўстлик районига 25-давлат хўжалигининг «Олотов» ширкати звено бошлиғи Р. Тен пиёз етиштиришда мумкин бўлмаган кимёвий ўғитлардан фойдалангани учун иш прокурорликка оширилди.


Мирзачўл давлат хўжаликлар қурилиш трестининг I-қўчма механизациялашган колоннаси Пахтакор шахар сув тозалаш иншооти қурилишига 1988 йилда қиришган ва бу иншоотни 1991 йилда топшириш керак эди. Лекин ҳанузгача иншоот фойдаланишга топширилмагани сабаби I миллион метр куб ифлосланган сув очик сув хавзаларига ташланмоқда. «Жамоа хўжалик қурилиш» трестига қарашли 62-жамоа хўжаликлари кўчма механизациялашган колонна эса I аллаорол паррандачилик фабрикаси сув тозалаш иншооти қурилишини ўн йилдан буён биткази олмаяпти. Оқибатда фабриканин ифлосланган сувлари очик сув хавзаарига ташланаптики, бу турли эътирозларга сабаб бўлаётди. Юқоридаги сув тозалаш иншоотлари қурилишининг бориши тўғрисидаги ҳужжатлар Пахтакор ва Ғаллаорол районлари прокурорлигига ўтказилди.

Шу ўринда кўпчилик дилидаги гапни ўртага ташламоқ лозим. Бирова жарима солиш, яна бир бошқасини маъмурий жавобгарликка тортиш билан табиатимиз мусоффо бўлиб қолмайди. Экологик тангликни юшатиш ҳаммаинг ҳамкорликда иш юртишига боғлиқ. Бинобарин мақсадимиз аниқ экан, замин олдида, табиат олдида гуноҳкор бўлмайлик! Шу табиат фарзанди эканлигини мизни эсдан чиқармай, атроф-муҳит мусоффолиги учун чинакамига жон куйдирайлик.

Абдумуталиб АЛБЕКОВ,
вилоят табиатни кўриклаш кўмитасининг раиси.



Ўлкамизда баҳор кезмоқда...



Ҳаёт учун кураш

Даврон АХМАД олган суратлар.

ГУНОҲКОР БЎЛМАЙЛИК

-Йўлда ётган тикон шоҳларини олиб ташлаган одамнинг олдинги-ю кейинги гуноҳларини Тангри кечиради. «Дунё ям-яшил ва гўзалдир. Кимки ундан ҳақли равишда ҳалоллик билан фойдалана олса, барака топади. Кимки, нафс хоҳиши билан муқкасидан кетиб дунёни эгалласа, қиёмат куни дўзахдан бошқа нарсага эришмайди.» («Ҳадис»дан).

лойихаси қайта кўриб чиқиш учун қайтарилди. Келажакда бу завод халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарса ажаб эмас.

1992 йилнинг 31 январида экологик ҳуқуқбузарлик учун корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг жавобгарлиги кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига мувофиқ назоратчилар уч юз сўмгача, назорат бошлиқлари беш юз сўмгача, бош давлат назоратчилари минг сўмгача жарима солиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Агар кўмита ўтган ойларда 1292 та текшириш ўтказиб қонунбузарликларга 78 минг 850 сўм жарима солган бўлса, товон пуллари 144 минг 25 сўмни ташкил қилади.

Ғайриқонуний равишда Арнасой кўлларида балиқ овлаш билан шуғулланганликлари учун тўтган балиқларининг тури ва микдорига қараб Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги низомнинг 93-моддасига биноан кўллар

фойдаланиш, ерларнинг аҳолини яхшилаш, тупроқни шамол эрозиясидан сақлаш, ерлар хароб бўлишининг олдини олиш, уларнинг ҳосилдорлигини сақлаб қолиш борасидаги тадбирларни бажармаслик, ер участкаларидан аниқ мақсадларда фойдаланмаслик, ерни ишдан чиқаришга, уларнинг ҳосилдорлиги пасайишига, тупроқнинг бузилиши ва йўқ бўлиб кетишига олиб келган бошқа хатти-ҳаракатлари учун фуқароларга уч юз сўмгача, мансабдор шахсларга эса минг сўмгача жарима солинади.

Сабзавот ва полиз экинларини, боғларни парвариш қилишда захарли химиявий дорилардан фойдаланиш вилоят худудиди хамон учрамоқда. Пахтакор, Дўстлик, Зарбдор районларидан айрим раҳбарлар берилган тавсияларни писанд қилмай ўз билгалларича иш тутишмоқда. Натижада Пахтакор райони А. Икромов номли давлат хўжалигининг бош ҳосилоти Р. Мамашев, энтимолог-ҳоси-

онда еттита давлат хўжалиги юзага келди. ёнғоқ узатди ва янги нав эканлигини айтди. — Кашшофи ҳам ўзимиздан,— деди Зоиржон ака.— Бизнинг онамиз Шарофатхон момо. Мағизидан 15 кунда ниҳол кўкартирдилар.

— Кетдик,— деди ота ва икковлари Қўшқичка келдилар. Шарофат момо тоғорани очди. Мағизлар. Қора латта билан ўралган. Сўнг кигиз ёпилган. Кундузи офтобга қўйилади. Кечкурун тоғорадаги сув тўқилиб, янгиси қўйилади.

— Қойил, онахон!— деди ота.— Буни кашфиёт, дейишади.

— Бобом ҳам шу иш билан шуғулланган эканлар!— деди раис.

— Яшанг, Зоиржон. Анъаналарга содиқ қилиш, эли-юрт дастурхонини бойитишнинг бир йўли.

Фахриддин ака 1979 йилда нафақага чиқиб, Катта Фарғона канали бошқармасига ишга ўтди. Бу ерда ҳам боғдорчилик унинг жони-дили бўлди. 1979-80 йилда Катта Фарғона ва Жанубий Фарғона каналлари бўйларига, тасарруфдаги ерларга 170 минг туп ўрик, гилос ва ёнғоқ кўчатлари ўтқазилди. Каркидон ёнбағирларидан Марҳаматгача шафтолизорлар яратилди.

Фахриддин ака муаллимлар тайёрлаш бўлим юрти дипломини 1929 йилда олган 13 қалдирғочнинг бири эди. Шаҳрихон ва Фарғонада 6 йил болаларни ўқитди. Сўнг ирригация институтида ўқиди. Лоғон, Катта Фарғона каналида, Жанубий Фарғона каналларида муҳандис бўлиб ишлади. Сув ишлари вазири, ижрокўм раиси, вилоят фирқа ташкилотиди котиб, Хоразм ва Сурхондарёда 6 йил, Фарғонада 13 йил ишлади.

Фахриддин отанинг номи садоқат ҳамда ироданинг буюк тимсоли бўлиб меҳнат аҳлининг қалбида яшамокда.

Ҳасанали РУСТАМОВ,
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси,
Фарғона давлат университетининг доценти,
Олий таълим аълочиси.

БИР САФАР Фахриддин ака Содикжон Охуновни бозор томон бошлади:

— Риштоннинг қандак ўриклари кўринмайди, Содикжон,— деди кутилмаганда.— Ё, ўрикзорларни бузиб, пахта экинларми? Риштон ўригининг таърифни ҳамто Хиндистонга бориб етди-ю, биз эса...— ота қўйнидан газетани чиқариб, район раҳбарига узатди.— Ўзимизда ҳам айб бор,— қўшиб қўйди Фахриддин ака ва давом этди.— Шу атрофда яшайдиган Эргаш ака Сангиновни биласизми? У ўрик нави, илмининг пири. Ундан фойдаланиш керак.

Шу воқеадан кейин ҳадемай, «Риштон» давлат хўжалигидан икки гектар ер ажратилиб, 120.000 дона данак экилди.

Ушанда вазият мураккаб эди. Ризқ-рўзини биргина пахта устига қўйиб, бодомзор, ўрикзорлар, анорзорлар, олмазорлар ҳақида деярлик ўйламай қўйган эдик. Қўшни Тожикистон, Қирғизистондан мева-сабзавот келтирардик.

Уша 1967 йилда вилоят фирқа кўмитасининг кенгайтирилган пленуми бўлиб, мева-сабзавот масаласи муҳокама этилди.

— Мактаб болалари учун дарахтда мева пишиб тургани яхши,— деди Фахриддин Шамсиддинов.— Водилда ўриклар ерда ётибди, мактабларда эса бола бир стакан компот ичмайди. Қувасойдаги шафтолилар, гилослар... ўқувчилар эса сув ичадилар.

Фахриддин ака Фарғона вилоятида халқ учун анчагина иш қилди. Барча район марказларида консерва заводлари цехи иш бошлади. Фарғона шахрининг шундоқки биқинида жойлашган Усмонов Юсупов номидаги совхозда 3 миллион литргача шарбат тайёрлайдиган завод қурилди, 600 тонна мева сақлайдиган музхона ишга тушди. Марғилон станциясидан Каптархонагача яшил либосга ўралган боғлар ҳаммани дилини яшнатади.

ҚУВАСОЙ бугун Фарғонанинғ жавоҳирлар ҳазинасига айланди. 1975-80 йилларда бу рай-

онда еттита давлат хўжалиги юзага келди.

Пахтазорлар ёппасига боғдорчилик масканларига айлантирилди: Фарғона шаҳридан чиқиб Қозилқиягача, Бешбулоқдан то Қувасоғача, бир томони Аравонгача поёнсиз боғларда олтин нашватилар, ёқут ранг олмадар, сап-сарик шафтолилар, ўриклар, ранг-баранг узумлар ўз соҳибларидай беғубор, тиник ва бўлик этилмоқда.

Мана шу яратувчилик ва савобли ишларга Шароф Рашидов билан Фахриддин Шамсиддиновдек кишиларнинг ҳам, Муҳаммаджон Умриддинов ва Сотволди Абдуллаев каби оддий боғбонларнинг ҳам ҳиммати ва саховати сингиб кетган.

Фарғона-Қува йўлида ўн минглаб гектар дашт ерлар қовжираб ётарди. У ерларга Фахриддин Шамсиддинов «Тинчилик олмадарини» экайлик, деган фикрни таклиф қилди.

Яхши ният — ярим мол. Муаммо ҳал бўлди. Қува, Тошлоқ ва Қувасой хўжаликлари 2000 гектарга яқин ерга эга бўлишди. Айниқса, Қува райони аҳолиси Арсиф даштларидан 400 гектар ерни ўзлаштирдилар. 300 гектар ерда пахта ўстирилди. 40 гектар ерда боғ яратилди. 60 гектарда полиз экинлари.

ИСФАЙРАМ сойидан ўтишингиз билан кўзни қамаштирадиган воҳа бошланади. Куёшнинг олтин нурларини росмана кўргингиз келса, Арсиф томон боринг. Эрталаб, худди шартлашгандай, куёш ҳам илк нурларини шу ерларга сочади ва то шомгача Арсифдан узоклашгиси келмайди.

Вилоят оқсоқолининг йўли Қува томон тушиб қолса, мана шу боғи эрамга бир ўтишни одат ҳам қилиб олгани: ё битта олма ёб кўрарди, ё анор. Бир сафар бу ерда у жамоа раиси Зоиржон Зокиров билан учрашиб қолди. Раис бир





ШИФОКОР МАСЪУЛИЯТИ

БОЗОР муносабатлари чуқурлашгани сайин янги муаммолар пайдо бўляпти. Бундай шароитда аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш, меҳнаткашларга кўнгилдагидек тиббий хизмат кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади. Мустақиллик шарофати билан бизнинг соҳада ҳам жиддий силжишларга эришилаётганлиги қувончлидир. Айниқса республикамиз Президентининг шифокорларга кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Мамлакатимиз оғир иқтисодий тангликни бошдан кечираётганига қарамай сўнгги икки йил ичида тиббиёт ходимлари маоши 8-10 баравар оширилди. 26 нафар шифокорга истиқомат қилиб турган давлат уйлари бепул берилди.

Шуни айтиш керакки, илгари касалхоналар кўрimsиз, асбоб-ускуна ва жиҳозлар эски эди. Қисқа давр ичида икки-уч қаватли замонавий бинолар қад кўтарди. Тарқоқ ҳолдаги шифохоналар ва поликлиникалар марказлаштирилиб, тиббиёт шаҳарчаси барпо этилди. Айни кунда 742 ўринга эга бўлган 5 та касалхона, 12 та қишлоқ амбулаторияси, 37 та фельдшерлик- акушерлик тармоқлари район аҳолисига хизмат кўрсатмоқда. Тиббиёт муассасалари малакали кадрлар билан мустаҳкамланаяпти. Бугунги кунда 210 нафар олий маълумотли ҳакимлар, 1030 нафар ҳамшираларга эгамиз. И. Едгоров, А. Омонов, С. Мухторов, Б. Рафиев, М. Эшқулова, Х. Хақбердиева, Х. Жўраев каби жонкуяр, тиниб-тинчимас шифокорлар хизматидан кўпчилик мамнун. Улар ўз бурчларига масъулият билан ёндошиб, эл саломатлиги йўлида куч-ғайратларини аямаяптилар.

Район ҳокимлиги тиббий хизмат савиясини ошириш, шифо масканларини замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашда яқиндан ёрдам кўрсатмоқда. Утган йили ана шу мақсадлар учун салкам 40 миллион сўм маблағ сарфланганлиги фикримиз далилидир. Даволаш-профилактика ишларини яхшилаш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Марказий по-

ликлиника қошида жарроҳлик бўлими, диагностика маркази, терапия ва тери хасталиклари бўлими ҳузурида 15 ёшдан 49 ёшгача бўлган аёлларни даволаш хоналари ташкил этилди. Чандир ва Жўйнов қишлоқ Кенгашлари худудидаги врачлик амбулаториялари қошида кундузги стационарлар ишлаб турибди. Янгидан 306 минг сўмлик замонавий ускуналар сотиб олинди.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, меҳнаткашлар саломатлигини муҳофаза қилишда ҳали талайгина нуқсонлар, ечимини кутиб турган масалалар мавжуд. Тиббий хизмат даражаси ва савияси кишиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондира олмаяпти. Оналар ва болалар ҳақида ҳамма жойда ҳам етарли ғамхўрлик кўрсатилмаяпти, дейиш қийин. Дорихоналарда зарур дори-дармонлар камчил. Боз устига уларнинг нархи қимматлашиб бормоқда. Олис қишлоқлардаги аҳоли тоза ичимлик сув билан таъминланмаган. Санитария-гигиена ҳолати талабга жавоб бермайди. Бу эса турли хил касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлаётди.

Соғлом турмуш тарзига эришиш, тиббий хизмат савиясини ошириш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалардан биридир. Шу мақсадда ички имкониятларни излаб топишга ҳаракат қиляпмиз. Қишлоқ фельдшерлик-акушерлик тармоқлари ишини такомиллаштириш, 1 ёшгача бўлган болаларни амбулатория усулида даволаш, ҳомиладор аёллар учун жойларда соғломлаштириш хоналари ташкил этиш чоралари кўрилмоқда. Районда кам қонли аёллар, ночор оилаларга бепул дори-дармонлар, озик-овқат бериш йўлга қўйилган.

Хуллас, олдимизда катта вазифалар турибди. Эл ишончига сазовор бўлиш учун касб маҳоратини оширишимиз, туну кун сидқидилдан меҳнат қилишимиз лозим. Зеро, шифокорлик бурчи ва масъулияти шуни тақозо этади.

Р. РАЖАБОВ,

Шофиркон райони Марказий касалхонасининг бош шифокори

ЖИЗЗАХ вилоятининг кўп сонли транспортчилари ўтган 1986 йилда 50 ўринли санаторий-профилакторийга эга бўлдилар. Даволаш ва дам олиш маскани керакли дори-дармонлар, медицина жиҳозлари, мебеллар, асбоб-ускуналар билан таъминланди. Кейинчалик у яна кенгайтирилди. Эндиликда бу ерда 50 киши ётиб, 20 киши қатнаб даволаниш ва дам олиш имкониятига эга.

— 1988 йилдан буён ушбу санаторий-профилакторийда бош врачман — дейди Людмила Владимировна Сердюк. — Ташкилотимиз ўн икки ой тўхтовсиз фаолият кўрсатади. Вилоят худудидаги барча автокорхоналардан машина ҳайдовчилар йўлланма билан келадилар. Тўғри, йўлланма нархи қиммат, — дейди у сўзини давом эттириб, — 12-13 минг сўм туради. Бироқ йўлланма нархининг асосий қисми касабга уюшмалари зиммасида. Дам олишга отланган ҳайдовчи 517 сўм пул тўласа бўлгани. Мазза қилиб 24 кун дам олади, даволанади.

Улуғ Ватан уруши фахрийси, 70 баҳорни қаршилаган отахон Туроб ота Файзуллаев шундай дейди:

— Мен кон босими, бўғин оғриғи билан касалланиб тураман ва шу даргоҳга келиб даволанаман. Айниқса Муяссар Хамрокулова, Сотинисо Мўминова, Люба Но-

сирова, Сайёра Ортиқоваларнинг муолажа қилишда, ширин сўзликда улардан ўтари йўқ дейиш мумкин. Барака топишсин.

Дам олувчи Холмурод Мансуровдан санаторий-профилакторийдаги аҳвол, озик-овқат ва унинг сифати ҳақида шундай фикр билдирди:

— Ўн икки йилдан буён шофёрлик қиламан. Оёқ, бел оғриғи қийнаб қўйди. Электр даволаш усулларидан фойдаланган эдим — яхши бўлиб кетдим. Шифокорлардан миннатдорман. Ҳар кун тўрт маҳал иссиқ овқат берилади. Гулсора Райимова, Зумрад Қобуловалар пиширган таомлар ширин ва мазалидир.

Хуллас, Жиззах-вилоят транспорт бирлашмасига қарашли санаторий-профилакторийга келган мижоз яхши даволаниб, кўнгилли ҳордиқ чиқариб иш жойларига аъло кайфият билан бормоқдалар.

Алибой ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ДАМ ОЛИШ МАСКАНИДА

«КОСМОС» ҲАДЯ ҚИЛИНДИ

ФАРФОНА вилояти ногиронлар жамиятининг навбатдаги йўғинида вилоят ҳокимияти ташаббуси ҳамда касабга уюшмаларининг қўллаб-қувватлашлари натижасида улар ихтиёрига шаҳардаги «Космос» кино томошагоҳи тортиқ қилинди.

Бу туғҳадан ногиронлар жамиятининг барча аъзолари ҳам, уларнинг «Орзу» спорт клуби катнашчилари ҳам хурсанд бўлишди.

Яқинда вилоят ҳокимлиги «Орзу» клубига 200 минг сўм, касабга уюшмалари вилоят кенгаши эса 50 минг сўм ўтказган эди.

«Ишонч» мухбири.

ИНСОН САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

БУХОРО воҳасидаги саломатлик масканлари яна биттага кўпаядиган бўлди. Агросаноат мажмуи ходимлари касабга уюшмаси вилоят кўмитасининг ташаббуси билан Галаосиё яқинида «Дехқон» санаторийсини барпо этишга киришилди.



Ҳозир бу ерда иш кўлами кенгайиб бормоқда. Айрим биноларга пойдевор ётқизибли, деворлари тикланди. «Узагроқурилиш»нинг вилоятдаги 1-трестига қарашли 190 ҳамда 196-кўчма механизациялашган колонналар бунёдкорлари ҳар дақиқани ғанимат билиб меҳнат қиляптилар.

Санаторийни муддатидан олдин фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда. У қишлоқ меҳнаткашлари даволанадиган ҳамда кўнгилли дам оладиган замонавий маскан бўлади.

КЎЗНИНГ НУРИ СЎНМАСИН

● ЭЛЛИҚҚАЛЪА районидagi кўзи оғриган беморлар эндиликда даво излаб узок худудларга бориб юрмайди. Бўстон шаҳрида иш бошлаган кўзини микрохирургик усулда даволовчи бўлимда ҳамма шароитлар яратилди. Дастлабки 10 нафар беморнинг кўзлари операциядан сўнг дарддан тўла фориг бўлиб, юз фоз аслига кайтди.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.



Инсоннинг узок умр кўриши ҳар қандай дардни вақтида олдин олиш, сиҳат-саломатликни мудом асраб-авайлашга боғлиқ. Хасталикнинг бошланиши эса ташки дунё таъсири, бизин қуршаб турган борлиқ билан жисмимиз ўртасида номуносиблик туғилиши важибандир. Фаслдан-фаслга ўтиш даври, айниқса, кўклам пайтлари табиатдаги ўзгаришларнинг ички ва ташки тана аъзоларига таъсири натижасида айрим эски дардларнинг қайталаниши, асаб бузилиши, нафас қисилиши каби ходисалар содир бўлиши табиийдир. Шундай содирликларни олдини олиш мақсадида астойдил жон қуйдириб янгиликлар излаётган, бу борада хузуур-ҳаловати, оромини бахшида этиш билан тинчини йўқотган ҳақиқий заҳматкашлар ҳам орамизда кўп. Ўзбекистон республикаси илмий ихтисослашган аллергология маркази ходимлари ҳам шулар жумласига қиради.


Сиз кўриб турган суратларда мазкур марказ директори, тиббиёт фанлари доктори Озод Аҳмедович Назаров ўз шогирдлари — 5 курс талабалари билан худди шу борада амалий машғул олди бормоқда.

Шифохонанинг аллергология кафедраси ассистенти, олий даражали аллерголог Кутбиддин Низомов лаборант Наима Боходирова билан илмий машғулот ўтказмоқда.

Бўлим мудираси, олий даражали шифокор Дилором Турсунова беморнинг кон-босимини кузатиш пайтида.

Даврон АХМАД олган суратлар.





Саволларга Журналист Санъат Махмудова ва иқтисодчи Санжар Расуловлар жавоб беради.

Шоира Увайсийнинг «Анор» номли шеъри жуда ёқди. Мумкин бўлса, шу сатрларнинг яратилиш сабаби ҳақида маълумот берсангиз.

Анорхон МАҚСУДОВА,
Фаргона вилояти, Қува райони.

Бу шеърнинг яратилиши ҳақида турли ривоятлар бор. Жаҳонотин тахаллуси билан талай ғазаллар ёзган марғилонлик шоира Увайсий форс ва араб тилларини, аруз илмини яхши билгани учун Қўқонга — Нодира тахаллуси билан ижод қилган шоира Комила бегимга муаллимликка таклиф қилинади. Бир ўғил, бир қизи билан эридан бева қолган Увайсий

Умархон саройида бир мунча вақт яшаб, Нодира-бегимга устозлик қиладилар. Қунларнинг бирида Нодирабегимнинг Умархонни сарой канизақларидан қаттиқ рашк қилишини ва рашк ўтида пинҳона қоврилишини сезиб қолиб, «Анор» деган мураббани ёзади. Нодирага ўқиб беради. Шунда у устозини кучиб:

— Қандай ажойиб му-

рабба, уни ўқиганингизда, қон бўлган дилимда мени бу қаро ердан кўкларга кўтаргувчи бир ҳис пайдо бўлди, — деган экан.

Ул на гумбаздир, эшиги, туйнугидан йўқ нишон.

Неча гулгун пок қизлар анда айлабдур макон.

Туйнугин очиб, аларнинг ҳолидин олсам хабар,

Юзларида парда тортуғлик турарлар, бағри қон.

Яна бир ривоятга кўра Нодирабегим барча шоираларни тўплаб, ўртага қўйилган бир лаган анор ҳақида ким энг яхши чистон айта олиши ҳақида баҳслашганлар. Шунда Увайсий ғолиб чиққан, дейишадди.

Орзуим Самарқандга бориб ўқиш. Мени айниқса Самарқанддаги тарихий ёдгорликлар қизиқтиради. Ўрта мактабни битиришимга оз қолди. Ҳозирча Бибиҳоним мадрасаси ҳақида маълумот берсангиз.

Момохол УМРЗОҚОВА,
Қашқадарё вилояти, Яккабоғ райони.

Орзуга етиш ҳар кимнинг ўз иродаси ва интилишига боғлиқ. Бу йўлда сизга омад тилаймиз!

Дарҳақиқат, Самарқанд — илму фан, тарих, санъат учун қўйилган ёдгорликлар шаҳридир. Жаҳонгир Темурнинг суюкли рафиқаси Бибиҳоним номи билан боғлиқ тарихий обида ҳам ўзбек миллий меъморчилигининг бебаҳо дурдонасидир.

Темурийлар даврида хотин-қизлар учун макбара ва масжидлар, мадрасалар қуриш, боғлар барпо этиш расм бўлган экан. Дастлаб Темурнинг онаси ва синглисига атаб макбаралар қурилган.

Дунёга машҳур Бибиҳоним мадраса-масжиди қурилиши 1399 йилда бошланиб, 1404 йили ниҳоясига етказилган. Темур бу гўзал кошона қурилишини Бибиҳонимга ишониб топширган ва пойтахтнинг энг яхши жойи танланиб, энг саодатли дақиқаларда пойдевори қўйилган. Амир Темур қурувчиларга бу бинони бутун мусулмон оламида энг катта қилиб қуришни топширган. Ҳақиқатдан ҳам Бибиҳоним масжиди Шарқда тенгсиз бўлган.

Кираверишдаги пештоқ деворлари кулранг мармар билан безалган. Бино пештоқига ўйма мармар қопланган бўлиб, турли гишт-

лар билан нақшлар туширилган учбурчак тоқчаларда, тоқиларда, равоқларда турли нақшлар, ёзувлар

бор. Бинонинг ташқи безагида ҳам мўъжиза кўрасиз. Ўйма мармар тошлар, сирланган гиштлардан терилган нақшли деворлар, мозаика ва тоқчалар жуда гўзал.

Тарихчилар бу бинони яратишда турли мамлакатларнинг меъморлари, наққош ва дурадгорлари иштирок этганларини қайд этишган.

Бу гўзал обида Самарқанднинг дунёвий ёдгорликлари қаторида ЮНЕСКО ҳисобиде туради. Мана, олти асрдирки, ажойиб безаклари, нафис ва жим-жимадор нақшлари билан бутун дунё аҳлини мафтун этиб келади. Энди ҳамма гап бу ноёб ёдгорликни келажак авлодларга ҳам асраб, авайлаб етказа билишда.

лар билан таъминлаш ҳақидаги Низомига 23 сентябрь 1992 йил № 19—9 хатининг 1 бўлим 1 сўз

бошидаги тушинтиришига асосан туғилган фарзандингиз учун 5000 сўм суюнчи пули берилиши керак.

Январь ойида фарзандлик бўлди. Бизга қанча суюнчи пули берилиши керак?

ҚУДРАТОВлар оиласи,
Қашқадарё вилояти,
Қамаши шаҳри.

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг

«Давлат ижтимоий сугурталари ҳисобига нафақа-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1990 йил 13 ноябрдаги «Барча турдаги мактабларнинг ўқитувчилар, болалар уйларининг тарбиячиларига қўшимча имтиёзлар бериш, юқори синф ўқитувчиларининг иш ҳақини ошириш ҳақида»ги фармони 1992 йил бошидан бошлаб амалда қўлланмоқда. Қарорда Республика мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактабдан ташқари болалар муассасалари тарбиячиларига, ўқитувчиларига, ҳунар-техника таълими соҳаси муаллимлари ва ишлаб чиқариш таълими усталарига ҳам жорий этиш тўғрисида 1991 йил 29 декабрдаги Президент фармонида биноан хўжаликка қарашли уйни Дилором Бозоровага бепул хусусийлаштириб берса бўладими?

Қ. СОЛИЕВ,
Наманган вилояти, Поп районидagi
«Гурумсарой» давлат хўжалигининг бош юрист
маслаҳатчиси.

Президентимизнинг сиз қайд этиб ўтган Фармонларида кўрсатилишича мактаб ўқитувчиларига ва болалар уйларининг, болалар боғчаларининг тарбиячиларига улар яшаб турган уйларини бепул шахсий мулк қилиб берилиши имтиёзи кўрсатилган. Бунда ходимларнинг малакалари ёки стажларининг давомийлиги кўрсатилган эмас.

Ҳозир ёшим 80 дан ошяпти, 1973 йил 1 январда нафақага чиққанман. Илгари Наманган вилояти, Норин район ижроқўмида масъул котиб бўлиб ишлаб юрган вақтимда 1957 йил 13 февралда қаттиқ юрак хуружи билан инфаркт бўлган эдим. Шундан кейин 45 кун даволангач, врачлар комиссияси II гуруҳ меҳнат ногиронига чиқаришган эди.

Орадан бир ярим йил ўтгач, Наманган вилояти врачлар комиссияси бир оз ишлаб турсангиз бўлади, деган эди. Ҳозир ҳам меҳнат ногирони саналаманми? Меҳнат ногиронлари учун имтиёзлардан фойдаланишга ҳақлиманми?

М. ЎРОЗОВ,
Наманган вилояти, Ҳаққулобод
шаҳри, Навоий кўчаси, 14-уй.

Амалдаги нафақа ҳақидаги қонунларга кўра ногиронлик нафақасини олаётган шахс зарур меҳнат стажига эга бўлганда ва белгиланган ёшга етгач қариллик нафақаси тайинланиши талаб қилишга ҳақли. Бироқ бундай ҳолда у ногиронлик нафақасини ола олмайди ва одатда ногиронларга хос мавқеидан ҳам маҳрум бўлади.

Мактубингиз мазмунига кўра сиз 1973 1 январдан қариллик нафақасидасиз. Демак сиз қариллик нафақасида бўлган шахслар учун белгиланган мавқега эгасиз.

Биз Фаргона тўқимачилик комбинатининг ёрдамчи хўжалигида ишлаб, 1955 йилда корхона раҳбарининг оғзаки руҳсати билан уй-жой қуриб яшаб келганмиз. Солиқлар ўз вақтида тўланган. Уйимиз бузилмоқда. Унинг ҳақи тўланадими ва яшаш жойи билан таъминланишимиз қандай бўлади?

Я. МЕДИНОВА,
Фаргона область, Қувасой шаҳри.

Жойлардаги ижрония кўмита қарорисиз қурилган уй-жой (солиқлар ўз вақтида тўланган бўлса) қиймати қолдиқ баҳоларида қайтарилади. Уй-жой билан таъминланиш ва қийматини ундириб олиш масаласи бўйича адлия муассасаларига мурожаат қилишингиз мумкин.



Кахрамон она Зухра Ахмедованин 16 фарзанд, 19 невареси бор. Ташкент шаҳар Шайхонтахур район, «Оназир» маҳалласида истикомат қилувчи Зухра онанинг бағри тўлик. Лекин кенжа набираларини бир кун кўрмаса, уйи хувилад қолгандай тўйлаверди дони.
Дилазам ЗАКРИЛЛО ўғли олган сурат.

ЭНГ НОЗИК ПАЙТ

КЕЛИНЧАК ўзида алланечук ўзгаришлар ҳис қилади. Гоҳ қандайдир ноз-неъматни кўнгли тўсайди, гоҳ уйқудан бош кўтаргани келмайди. Баъзиларда шундай бўладики, кўп гап, шовқин-сурон ёқмай қолади. Кўнгли беҳузур бўлади. Бу — касаллик эмас, балки ҳомиладорликнинг белгиси — «бош қоронғилик»дир.

Баъзи қайноналар ўзларининг ёшлик пайтларини аллақачон унутиб, келинларининг бундай нозик пайтини касалликка, ишқасликка йўзайди. Бир неча марта келинчақлар йўғлаб, дардини айтгани ҳузуримга келишганида уларга ниҳоятда ачиниб кетганман. Далда бериб, уйларига бориб, қайноналарига аста тушунтиришга ҳаракат қилганман. Бир қайнона бўлмиш келинини касалланда, ҳатто жиннинг қиқариб қўйибди. Кўнгли тусаб, биронта олмаи, саъзияи еса — уни очқўзликка айблабди.

Йўқ, қайнонажонлар, келинларни тушунайлик. Ахир бошиниғиздан ўтган-ку. Ахир аёл ҳомиладор бўлиши биланқуд унинг бутун танасида туддан ўзгариш рўй беради. Бу ўзгаришлар унинг асабида ҳам, юрактомирларида ҳам содир бўлади. Шунинг учун ҳам бўлажак онага алоҳида ғамхўрлик зарур. Уларга аввало осойишталик, меҳр, дармон дориларга буй таом, сут маҳсулотлари, सबзавот жуदा-жуда зарур. Дунёга келажак боланинғ соғлом, бакуват бўлиши ҳомиладор аёлнинг қандай шароитда яшагани-ю қандай овқатланишига боғлиқ.

Бўлажак она тоза ҳавода кўпроқ сайр қилиши, оғир юмушларга кўл урмаслиги, асабини бузмаслиги керак. Ҳар қандай ноҳуш холининг олдини олинг. Яхшиси, Чили шोरиси Габриэлла Мистралнинг сўзларини диққат билан ўқиб қўринг-а, «Энди мен нилуфар ўсаётган кўлдай осойишта бўлмоғим лозим. Мени свинг, илгаригидан кўра қаттиқроқ севиңг. Мен мурғаккина бўлсам ҳам сизга, сизнинг ҳаёт йўлларингизга ҳамроҳ бўладиган жон ҳада қилман.

Менга ҳар қанчогидан кўра ҳам меҳрибонроқ, ғамхўрроқ бўлинг, дадаси, жонимга ҳаяжон солманг, юрагимни ҳам ўнатманг.
Мен энди ҳарбир бир пардаман. Бугун менинғ таним мисоли бир парда, унинг остида гўдак ухлаяпти.
Майсаларнинг тағидида ингичка жилға каби уйқуда ётган шу жон ҳаққи менга озор берманг, оғир юмушларни буюрманг, агар қандайдир таомни тусамга қолган бўлсам, шовқин-суронни кўтаролмай қолган бўлсам, ўша жон туфайли мени кефиринг.
Ҳаётнинг ҳамма пасту баланди, рўзгорнинг оғир-ингилликлари ҳақида мен боламни йўрғакли қилганимдагина мен билан сўзлашшингизни илтижо қиламан».

Қаранг қанчалар ҳаётгй гаплар.
Баъзи оилаларда барча юмушни гарчи у ҳомиладор бўлса-да, келинга юклаб қўйлади. Аслида, бундай пайтлар оилада ҳамма баробар унга ёрдам бериши зарур. Яна шунинг айтиши керакки, баъзилар толган-тутганларини, ҳатто ҳомиладорлик учун берилган пуллари ҳам бешик тўйига, болага қилинадиган саруопларга йиғиб борадилару лекин энг нозик, энг муҳим пайт — ҳомиладорлик чоғида она ва боланинғ саломатлиги ҳақида уйламайдилар.
Ақсинча, энг яхши саруоп — аввало соғлом онанинг саломатлиги-ю соғлом фарзанднинг дунёга келишидир.

Соҳбат КАМОЛ қиз.

КЕИНИНГ пайтларда ёшлар ўртасида севи, вафо, муҳаббатнинг кундан-кунга йўқолиб бораётганлиги ҳақида гоҳ ойина жаҳон, гоҳ матбуот орқали тез-тез фикр билдирилмоқда. Баҳс-мунозаралар бўлаётгир. Биров аёлларни, биров эркекларни салокат-сизликка, бевафолликка айблайти.

Мен ҳам сиз азизлар билан севи-муҳаббат ҳақидаги мулоҳазаларини баҳам кўришни маъқул топдим.
«Севги, муҳаббат деган тушунчалар фақат киноларда, китобларда, қолаверса, тушларимиздагина ростидай кўринад. Атрофда рўй бераётган ҳодисаларга қараб, шундай хулоса

ўғил туғибди. Боласини еса саккиз йилдан бери фарзанди бўлмаётган бегона эр-хотинга бериб ҳам улғуршибди. Қизиги шундаки, танишимнинг ҳали армия ёшига ҳам етмаган жияни унга кўнгли қўйибди. Яна бир студент унга уйланаман, (боласи бўлишига қарамай) мен уни севиб қолдим, дермиш.

Аёлнинг онаси еса иккала йигитни доғда қолириб, қизини «бойрок» кимсага беришни кўнглига туғиб, жўнаб қолибди. Ана сизга яна бир муҳаббат. Турмушидан ажраб кетганига уч йил бўлган аёл туғиб кетиш учун бу ёқларга келса-ю уйланаманг

Севинти кун қандай тугишчанди?

ларга келямиз», деган ёшларнинг гапларини эшитиб қоламан.
Хозирги кунда негадир ҳаётнинг ачиқ-чучуғини унча англаб улгурмаган ёшлар ҳам «севдим» дея ўзида анча катта, ёши улғурок аёллар билан яшашга ружу қўйишган. Чунки ундайларнинг уйи бор, тузукроқ пул ҳам топишади. Йигитларга айнан шунакаси керак шекилли. Жонларини қойитмасдан, енгил ҳаёт кечирсалар бас-да. Ота-она қанча «оҳ» уриб, бу йўлдан қайтаришга уринишмасини, уни севаман, ундан бошқасини демайман, деб, қайсарликка ўтиб олишади. Кани, айтнинг-чи, шундай одамнинг севиғиси хаққонийлигига ишонасизми?

Бундан тўрт-беш йилча илгари бир воқеанинғ гувоҳи бўлганим. Туркмастонлик танишим бор, у Ташкентга яшайди. Ашгабатдан унингга бир дугонаси онаси билан келди. Унинг турмуши бўлмай эридан ажрашиб кетган экан. Меҳмонларнинг келганига бир ярим ойдан ошадик, кетишларидан дарак бўлмайди.

Куналарнинг бирда қайси қулоғим билан эшиттайки, у, яъни меҳмон аёл олиб кетди. Ҳа, энди уни ҳеч ким урушмайди... Бир ой дарак бўлмади. На ўнгиладан, на тиригилдан. Ва ниҳоят почтачи боланинғ суюнч сўраб келтирган телеграммаси ҳамманни бирдай қувонтирди. Акаси уни узок Архангелск миллияси қошидаги болалар қабулхонасида топиб келди. Уйга келиб, бошидан ўтган воқеаларини сўзлаб берди.

Поездда бир амаки ўзига ўғил қилиб олмади, деб бирга олиб кетибди. У ўша ёқлардаги бозорларга олма, анор каби меваларни олиб бориб, олиб кетди. Ҳа, энди уни ҳеч ким урушмайди... Бир ой дарак бўлмади. На ўнгиладан, на тиригилдан. Ва ниҳоят почтачи боланинғ суюнч сўраб келтирган телеграммаси ҳамманни бирдай қувонтирди. Акаси уни узок Архангелск миллияси қошидаги болалар қабулхонасида топиб келди. Уйга келиб, бошидан ўтган воқеаларини сўзлаб берди.

ОМАДСИЗ БОЛА

савдогарлик қилар экан. Жаҳонгир унинг ишларига ёрдам бериб юрибди. Амаки кўп ичаркан. Бир кун уни ҳам ичишга мажбурлаган экан, ундан ҳам кочиб кетибди. Кейин еса кўча-қўйда, бозорларда одамлар буюрган у-бу юмушларни қилиб, яшашга пул шиллаб, вокзалларда, пана-пастка ҳам жойларда тунаб юраверибди. Лекин бир кун миляси ходимларидан бири туғиб олибди.

У айтган гаплар мана шу бўлади. Кўплар унга ишонди, кўплар еса шубҳа билан қараб бошлади.
Мақтабда ўқитувчилардан бири: — Ҳа, саёқ, келдингми, яхшиям ўймақ қолганинғ, бўлмаса кўпларни ўлдирардинг,— деган совуқ гаплар билан кутиб олди. Ўртоқлари еса қочок-қочоқ, деб масҳара қила бошлашди. Мақтабдан уйга келса акаларини, энди сени мақтабдан уйгача занжир билан улаб қўямиз», деб қулишарди. Э, тавба, ўн бир ёшли болакай тушушган ҳақиқатларини улар тушушмаси-я?

У ахир ишлаб, пул топиб, чўнтагин семиртиб юрган болада. Энди у Ўртоқлари орасида, ҳатто уйда ҳам ўзини бегонадай сеза бошлади. Айниқса кўшинлари унга ўривчақдек қараб бошлаганлиги алам қиларди. Кера ундан шубҳаланишарди-а?

Ҳаммаси, жонига теги... Уша ҳеч қимга бебоғлик қуналарни юрак-юракдан соғинди. У яна ўз уйидан, туғиллиб ўсган юртидан бош олиб, қичиб кетди. Уни яна топиб келишди, яна кетди, яна топиб келишди... У ўн етти ёшгача шу ҳодиса такрорланаверди.

Кейин еса кўплар бунга қўнқиб ҳам қолишди. Энди у уйига келиб, яшашини хаёлига ҳам келтирмайдиган бўлди. Ким билади дейсиз, у нима ишлар қилиб, қай йўллarda юрган экан. Лекин ўзи онасига ёзган мактубларида яхши одамлар ёрдамида араб, форс тилларини ўрганаётганлигини, бундан ташқари таржимонлик ҳам қилиб, пул топаётганлигини айтди. Ҳа, Жаҳонгир мақтабда ҳам иштирудан, зехин ўткир, кўп нарсаларни фаҳмлай оладиган бола эди. Афсус, шу зехин, қобилияти кўча тарбияси билан қўшилди, ёмон одамларнинг манфаат манбаига айланиб кетди. Яқинда Жаҳонгирнинг қандайдир катта гуруҳ билан қўнғилга тушибди, беш йилга кесиб юборилганлиги ҳақида хабар келди.
Бир кун мен ундан нега онасининг, опа-акаларининг ёнига келиб яшарётганлигини сўрадим.
— Э, опажон, ўзим омадсиз бола бўлиб тутилганимда. Бошимни қаерга тармай тошга тегади, фарзандларига яхши ота бўлиши керак. Худди тушушган ҳақиқатларини сўчиб чикканга ўхшайди, қаерга қандад боссам, оёғим қонайди. Юрагимда бир армоним бор. Бу — отасиз бўлиб ўсганим.

йўқ экан, деган хулосага келиб оила бўзилиш даражасида турибди. На бир-бирини ҳурмат қилишари, на иззат. Икки бола еса тирик етим бўлиш арасида.

Институтда «адабиёт тарихи»дан сабоқ берадиган опа бор эди. Ҳамиша ҳаёлча бу одам ёши элик бешларга бориб қолганига қарамай, турмушга чикмаган эди. Нима бўпти, турмушга қурмай ўтаётганлар қамми, дерсиз? Гап бунда эмас. У студентлик йиллари ўзи билан бирга ўқиган йигитга кўнғил қўйган экан. Уша йигит унинг дугонасига уйланибди. Шу-шу у бошқасига кўнғил беролмай, фақат ўзининг севиғисига содик қолиб юрар экан. Ана шу севиғиси қалбидан муқаддас жой олиб, ҳамон бирга яшамоқда экан. Биз буни эшитгандан кейин унга бошқача меҳр билан қараб бошладик. Унинг файзли хечрасига, оқ илаша бошлаган сочларига қараб бардошига, мовий осмон каби кенг қалбига тан берардик.

Ҳа, ҳақиқий инсонлар ҳақиқий муҳаббатларини ана шундай эъозлай оладилар... Чунки севиғини улар шундай ташунадилар. Ахир севиғи нима ўзи? Бу — муқаддас туғиғу, қуриллажак оиланинғ пойдевори. Бундай муҳаббат эгалари бир умр бахтиёр яшайдилар. Фақат севиғи деган ноёб туғиғуға ўткирчи хавсадай қараб, вақтини беҳуда ўтказишлар ҳам борки, муддат ўтиши билан бундан ўзлари панд еб қилишлари мумкин. Лекин унда кеч бўлади.

Истардимки, сохта севиғи вақидан бировларнинг оилаларини бузмасалар, уларнинг бахтсизлиги эвазига бахтли бўлишни орзу қилмасалар. Йигитларимиз ҳам андишалеи, хаёли, муҳаббатининг ҳақиқий қадрига етадиган, уни қалбдан ҳис қила билладиган қизларгагина севиғи изҳор қилишсалар, икки орада туғилган муқаддас муҳаббатини ардоқласалар, бошга дура қилсалар...

Шоир айтганидай: **Кафтигда тутганим гул эриб кетар, Тоғларнинг бошида қор эриб кетар, Кўйчининг қўлида тор эриб кетар, Мен сенга севиғидан айтганим маҳал...**
Шоира МҶМИНОВА.

Шу отасизлигим мени кўп ноҳушлиқларга бошлади. Яхши қуналар келди, менинғ ҳам фарзандларим бўлар, ушанда уларни ҳеч қачон ёлғиз қўймайман. Яхши-ёмон қуналарида доимо суюнчиги бўламан.
Мен Жаҳонгирнинг ушбу сўзларини хотирлар эканман, унинг беозор, ниғохларин эслайман. Ҳа, биз, унинг атрофидаги кишилар шу беозорликни, хокисорликни сабаб қилиш учун нима қила олдик?! Афсус, жуда кўп нарсаларни, ҳатто йиқилганини суюш савобини ҳам унутиб қўйганмиз. Шу унутувчанлигимиз кўп фалокатларга олиб келатгир.

Жаҳонгир болалик қилиб, уйдан қичиб кетиб, қайтиб қалганда, бэфарқ, куним ўста-булд қабилда ишлайдиган ўқитувчиларни, гиёбатлаб кўшилар, опа-акалари бола учун бағри кенглигини аядилар. Ширин-ширин сўз билан илон нишдан чикади, ёмон-ёмон сўз билан мусулмон диндан чикади, деганларидай бир ўсимирнинг биллиб-билмай жиноят йўлга қиришида атроф-муҳитдагиларнинг айби йўқмикин?

Мен Жаҳонгирнинг форс, араб тиллариде яхшигина сўзлаша олишини эшитгандим. Араб алифбоида еса гўзал хатлар бита олишини билардим. Энг ачинарлиси — унинг иктидоридаи, билимидан ғаламси қимсалар ёмонлик йўлида фойдаландилар. Биз, уни танган кишилар, унинг ҳеч қачон жиноят қила олмаганисини, бунга орияти йўл қўймаслигини яхши тушушар эдик. Лекин жуда кеч тушундик...
Беш йил 20 ёшли йигит учун тоғни талқон қилишга еттувайди фурсат. Ҳаётининг шу фурсатидан фойдаланишдан маҳрум эди у.

Лекин бир нарса аён менга, Жаҳонгир ўзи айтганидек, фарзандларига яхши ота бўлиши керак. Худди шу ншонч уни ҳар қандай боло-казолардан асрашига ишонгим келади.

Зебо БАХРОМ қиз.

БАҲОР НЕЪМАТЛАРИ

ГЎЗАЛЛИК КАШФИЁТЧИЛАРИ



...Модалар театри... Модалар қандай театр бўлиши мумкин?...
— «Модалар театри» — дейди Республика либослар марказининг бош раиссоми Аильвира Сапон — янги камолот, юксак дид ва нафосат сари бошлайди. Унинг ҳар бир намоиши янгилик яратади, одамларга яхши кайфият улашади. Агар унинг фаолияти билан яқиндан танишсангиз, ҳақиқий театрдек санъат эканлигига сиз ҳам ишонасиз.
Саҳнада бежирим қизларнинг хушбичим қомадларига ярашган либослар мода илҳосмандларини лол этган... Улар либос раиссоларининг янги кашфиётларини намоиш этишаётги...
Ҳа, янги усул ижодкорларининг санъатини халққа етказиш ҳам санъат. Эҳтимол ана шу саҳнага чикқунарлик қадар қанча-қанча изланишган ҳам. Улар балетмейстер, рақс ўргатувчи, режиссёр ва овоз режиссерлари билан ҳамжиҳатликда ишлайдилар. Ҳиромон билан юриш-туришдан тортиб, қайси усулдаги андазага қандай мусиқа танлаш кераклиги ҳақида бош қотирадилар.
Намоиш этилаётган ҳар бир кўрғазмада ижодкорнинг ўзига хос янги биз дунёсини кўрасиз. Янги камолот, дид ва нафосатнинг шоҳиди бўласиз.
— Йиллар давомиде бир жойда ишләётган раиссо ва тикувчилар қисқа вақт ичиде ўзгариб бораётган андаларни ўзлаштира оладиларми?
— Менимча,— дейди Аильвира саволимизга жавоб бераркан,— ижодкорнинг билимлари унинг онгига етиб келаётган хабарлар орқали кенгайтиб бораверади. Мисол учун музоиға ёки кинога ҳатто эски шаҳар бозорига қарид учун борган санъаткор ўзига керакли маълумотларни илғаб олади. Инсон ташки муҳит билан мулоқотда экан, унинг маънавий дунёси ҳаммаше ўзгариб туради.
— Марказ томонидан ижодкорларнинг ана шундай билим доирасини кенгайтириш борасида қандай оммавий тадбирлар қўрилмоқда?
— Мустиқилликка эришгунимизга қадар умумиттифок андалар марказининг йўналиши асосида ишлар эдик,— дейди республика андалар марказининг директори Гафур Ибрагимов,— Москвада, ҳар йили янги усуллар семинарида барча республика мутахассисларига янги андалар ҳақида кўрсатма берилар эдик.
Эндиликда бу соҳадаги тақриб ва билимларини дунё миқёсида ўрганиш икониюяти туғилди. Ҳозир чет эллар билан алоқа ўрнатаёлимиз. Яқинда Олмония, Хитой ва Покистондан мутахассислар келиб кетишди. Бизнинг ижодкорларимиз Ялтга икки марта бориб келишди. Жаҳон мамлакатлари билан алоқаларини мустақамлаш қатта маблағ талаб қилмоқда. Шунинг учун Марказимиз қошидаги қехни кенгайтириш тарафиди қўрилмоқда. Ҳозир Покистоннинг «Лалок» фирмаси билан қўша корхона очиб арасиданимиз. Шу кунга қадар ўттиз миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чикарилган бўлса, қўша корхона ишга туширилгандан кейин ишлаб чикариш бир ярим баробарга қўйилди.

Республика либослар маркази ўлка-миздаги барча корхоналарни янги ли-
Республика либослар маркази ўлка-миздаги барча корхоналарни янги ли-
Республика либослар маркази ўлка-миздаги барча корхоналарни янги ли-
Республика либослар маркази ўлка-миздаги барча корхоналарни янги ли-
Республика либослар маркази ўлка-миздаги барча корхоналарни янги ли-

ли тўхтаганда, овқатнинг син-
зишга ёрдам қилади, қон қаси-
шини тўхтади, сариқ қаса-
дада фойдалади. Агар ялғиз
шоҳларини анор онаси бил-
лан ичмаса, қўқуши билан бу-
ладисан ичкетишининг олдини
олади.
Қайнатмаси «тикка нафас
олиш» касалига фойда қила-
ди. У, айниқса, анжир билан
бирга ечилса, кўкрақдаги
ёпишқоқ қуюқ хитларни чи-
қариш учун қўша ишатири.
Қобиргалардаги оғриқларга
ҳам маълам бўлади; бундай
таъбир тоғ ялғизда қўчи-
роқ бўлади.

Марказ қошидаги қехда тэйёрлан-
ган либослар бугунги кун талабиде
ўзига хос ҳашамдорлиги, нафис дид ва
нафосат билан ишланган безаклари
қўзни қамаштиради.
Бирок... хаёлга толаман.
Ўлкаимизнинг кўпгина корхоналари-
да ишлаб чикариладиган маҳсулотлар
халқимизнинг талабини қондира олма-
маслиги ҳаммамизга аён. Нима учун
марказ тэйёрлаган андалар корхона-
ларига етиб боргунча ўз жозибасини
йўқотмади?
Бу саволга бош раиссо Аильвира Са-
пон қуйдагича жавоб беради:

Комилла СУЛТОНОВА.

КАШНИЧ

Шираси сут билан қўшиқла
ҳар қандай айқиланиши тўх-
татади. Майис ва асал билан
зишакмега қариши шилатила-
ди.
Сафро ё балғам бугидан
паидо бўлган бош айланиши
ва тутқаноққа давоидир. Ҳўли
ухлатати ва бурчи қонашини
тўхтади. Суюи она суги билан
қўшиб қўзга томилса,
қўзини айқиланиши айқо-
лади.
Аммо ҳўлини ва қуруғини
кўп ишлатавериш зехини
бузади.



КЕЧКИ ПАЙТ. База дарвозасидан яраклаб кирган яп-янги «Икарус» супа чеккасида енгил силкиниб тўхтади. Айвон остида куйманаётган кекса ҳайдовчи — Шомурод ака буни кўриб бир хўрсиниб кўйдида, яна ўз ишига берилди. Ҳаёт қизиқ экан. Омад дегани бировга кулиб боқади, бировга... Мана шу кўркем автобус унга насиб этиши ҳам мумкин эди. Чунки навбат уники. Орадан эпчилроғи чиқиб, илди-кетди. Нега?

Шомурод ака коса тагидаги ним-коса борлигини яхши билади. Лекин юрак ёриб бировга айтолмайди. Уша йигит ҳам ҳамма қатори одам. Аммо қойил қолиш керак: муомалани, раҳбарлар билан «тиллашиш»ни ўрнига қўяди. Шунданми, доим иши беш. Мана, бугун ҳам диспетчер хонаси томон бораркан, уст-боши, қўллари қора мойга беланган ҳамкасбига қараб такаббурлик билан илжайиб қўй-

тариш ҳам ноқулай. Дабдурустан қистаб келиши бор. Биргина йўли — тежаш, рўзгордан тежаш! Кам еган, кам кийган — ўлмайди. Зора у ҳам бошқалардек янги автобус минса, қийноқли азоблардан, адоқсиз ташвишлардан халос бўлса!

Инсонда орият деган муқаддас туйғу бор. Кекса ҳайдовчи ўз муддаосига эришиш учун ҳамма нарсага тайёр эди. Ўзи истаб-истамай болаларининг ризқига чанг солди. Хонадондан баракка кетди. Ниҳоят, тишининг қавагида асраб тўплаган жамғармани (яъни порани) ҳисоблаб кўрса, тагин уч минг сўм етмас экан. Таваккал деди-да, пулни чўнтакка солиб, ишга жўнади. Уша куниеқ «воситачи» орқали керакли одамга етказди. Қаранг, шу ерда ҳам ови юришмади. Бу қанақаси? Биз бекинмачоқ ўйнаётганимиз йўқ-ку. Янги машинадан умиди бўлса, баравар қилиб келсин, дейишибди.

Шомурод ака икки кунгача гаранг-

ҳам ўзига яраша орзуси, дард, ташвишлари бор. Буни тушуниш керак. Лекин... базадаги қинғирликларни олдинроқ фош этиш ҳам мумкин эди-ку. Нега Шомурод ака шу ишга журъат қилолмади? Чунки кўпларнинг онгини, қалбини забт этган худбинлик, лоқайдлик касали унга ҳам бегона эмас эди. Еши бир жойга бориб ундан иш, режа талаб қила бошлашди, юкини тортолмаган қари отдек ҳансираб қолди. Яъни ўз манфаатига зарар етгандагина қилич яланғочлаб, майдонга тушди, курашга отланди.

Мустақиллик ўлкамизга рўшнолик бахш этди. Тилимиз, динимиз, маънавий қадриятларимиз қайта тикланапти. Бу ҳам халқимизнинг бахти. Аммо, ҳолва дегани билан оғиз чучимади. Мустақилликни мустаҳкамлаш, янгича яшаш тарзига мослашиш, бозор қийинчиликларини енгиб ўтиш осон иш эмас. Бу йўлнинг ҳар қадами — жиддий синов. Даврлар, замонлар ўзгараверади, аммо ҳаётдаги пок, муқаддас ақидалар ўзгармасдир. Улар ҳар жабҳада биз учун, ҳалоллик учун муқаддас мезон бўлиб хизмат қилади. Таажубки, баъзи кимсалар ана шу мезонни унутиб қўяётганга ўхшайдилар.

Эсимда: район касалхонасида ётганимда бир аёлни қўшни палатага оғир аҳволда олиб келишди. Дастлаб у кўпчиликни қизиқтиргани ҳам йўқ. Эри бир-икки марта кўргани келди. Кейин... уни бўлимдаги бир кишилик жиҳозли хонага кўчиришди. Энди бемор аёлга муносабат ўзгарган, ҳатто бўлим мудирининг ўзи ҳам бот-бот кириб хабар оладиган бўлди. Аёл тез соғая бошлади. Бир кун уни ташқарида учратганимда гапдан гап чиқиб, шуни эслатдим.

— Ҳа,— деди ҳамроҳим соддадиллик билан.— Катта дўхтирга дадасининг фиш заводида ишлашларини айтган эдим. Ушандан бери атрофимда парвона. Дарди бир машина фиш экан...

Қаранг, «катта дўхтир» аёлнинг эридан пул сўрамаган, бир машина фиш кераклигини шипшитган, холос. Унинг назарида бу пора саналмайди. Илтимоси ерда қолмаслигини билиб, ўқни нақ нишонга урган. Яъни сендан угина, мендан бугина... Ҳамма нарсани кечириш мумкиндиру аммо шифокорнинг олчоқлигини, тамагирлигини кечириш мумкин эмас. Энди у қулса ҳам, илик муомала қилса ҳам негадир энсам қотадиган бўлган. Назаримда, асл қиёфаси бошқаю башарасига сохтакорлик, риёкорлик ниқобини тақиб олгандек. Муқаддас бурчини унутган, шахсий манфаат йўлида имонини сотган ўша врачнинг, врачларнинг хатти-ҳаракатини бошқача баҳолаш мумкинми?!

Пора... Поранинг домига тушиб панд еганлар қанчаю қанд еганлар қанча. Тилгимиз ҳар кимга ҳалолдан буюрсин. Зотан пешона тери билан топилган нонгина тотли ва беминнатдир. Баъзи мулоҳазаларга бориб биз юқорида баён қилинган икки воқеанинг манзилини, «қаҳрамон»ларнинг исм-шарифларини ошқора ёзмадик. Бунга ҳожат ҳам бўлмас керак. Лекин гап эгасини топади.

Носир ТОШЕВ,
Бухоро.

ЛОҚАЙД БЎЛМАЙЛИК, ОДАМЛАР

ЗАЛГА котмадан келган буйчангина бир йигитни олиб киришди. Қора курси каршисига келган бу йигитнинг жиноят содир этишига кўпчилик ишонмасди. Кўринишидан қўйдек юввош бу йигитча атрофга мунгли кўзлари билан қарар, гўёки залга тўпланганлардан мадад сўрарди. Унинг забардаст қолати дол, пишик билалари осилган эди бугун...

Тўпланганлар нафрат билан эмас, ачиниш, ички бир изтироб билан қарашарди унга.

Қора курсидаги йигирма етти ёшли, ҳали уйланмаган Нарпай районидаги «Ғалаба» жамоа хўжалигининг «Юлдуз» кишлоғида истикомат қилувчи бу йигит — Фуркат Худойбердиев бундан беш йил илгари жиноятга қўл уриб, тўрт йил озодликдан маҳрум этилганди. У жазо муддатини ўтаб кайтаган, ҳалол ишлаб пул топишга, тенгдош дўстлари, яхши одамлар каторида онла қуришга аҳд қилди...

Бирок, Фуркат ширин орзуларга етишолмади. Кўпчилик унга аллақандай ҳадик билан қарар, ҳатто айрим дўстлари ҳам ундан узокрок юришга ҳаракат қилишарди. Баъзи танишлари эса панападан «қамалиб келган» дея шивир-шивир қилишарди, унга кўзлари тушиши билан.

Шундай бўлса ҳам у иш сўраб кўп жойга мурожаат қилди. Аммо «қамалган» деган тамға ҳамиша унинг йўлига тўғанок бўлар, эзгу ниятларини чилпарчин қиларди. Шу туфайли қорхона ва ташкилотлар раҳбарлари «хабар олиб туринг, иш бўлиб қолса чақириб оламиз», дейишарди-да, нафаслари чиқмай кетарди. Район ички ишлар бўлимининг жазо муддатини ўтаб келганлар билан шуғулланувчи ходимлари ҳам Фуркатнинг тақдирига бефарқ қарашарди. Оқибат шу бўлдики, Фуркат Худойбердиев яна жиноятга қўл урди.

У ўтган йилнинг 25 сентябрь куни Октош шаҳрининг «Интернационал» кўчасидаги 5-уйда истикомат қилувчи Саодат Хушвақтованинг уйига ўғирликка тушди. Уйни титқилаб, пул излади. Тополмади, қўлга олинди...

Суд ҳукми ўқилди. Фуркат Худойбердиев Ўзбекистон Республикаси жиноят мажмуи 125-моддасининг 3-қисми билан беш йил озодликдан маҳрум этилди. Бу гал йиғилганлар ҳукм нечоғлик қонуний бўлсада, уни қониқиш билан кутиб олмадилар.

«Худойбердиев иши» билан танишар эканман, мени бир нарса тинчлантормасди. Негаки, бу хато Фуркатнинг эмас, балки биз — унинг атрофидогиларнинг хатоимиздир. Лоқайдлик, хизмат вазифасига совуққонлик, эртанги кунга беписандлик, оқибатида келиб чиқадиган бундай хатолар маддалаб кетмасайди, деб қўрмаман...

Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.



ди. Демак, «йўл пули» мўмайроқ тушган. Белгиланган кунлик режани ҳам ошириб бажаради. Кейин ким яхши — Саъдуллажон яхши! Мажлисларда мақтов эшитади. Ҳаммага, ибрат, деб ҳурмат тахтасига сурати қўйлади. Хуллас, раҳматнинг ҳам, мукофотни ҳам каттаси уники. Шундай бўлгач, у қувонмай «боши ремонтдан» чиқмайдиган Шомурод ака қувонсинми? Ишинг юришмаси қийин экан. Унга нуқул эски аравадек шалдираб қолган машиналарни беришарди. Бир кун ишласа, бир ҳафта бузук. Додингни худого айт.

Мана, бугун ҳам шалоғи чиққан «ЛАЗ»ни гаражга судраб келтирди. Бу ёғи энди маълум: дилсиёҳлик, кўнгилсизлик. Кассир пул талаб қилди. Пул эса йўқ. Эксплуатация бўлими бошлиғи дакки беради. Директор хонасига чақириб, столни муштлайди. «Ишдан ҳайдайман!» деб дўқ уради. Гап уқтириб кўр-чи уларга.

Йўқ, ортиқ чидаб бўлмайди. Пичоқ бориб сурякка етди. Чорасини топиш керак. Қани ўша чора? Ун минг сўм... Тўғри, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида унчалик катта пул эмас. Лекин шуям борда бор, йўқда йўқ-да. Илгари директорнинг оғзини мойлаш, янги автобусга эга бўлиш учун минг сўм кифоя эди. Энди бу пулга мушук ҳам офтобга чиқмайди. Топганинг рўзгордан ортмайди. Мана, ўзидан қиёс. Сақизта бола «бер, ейман» дейди. Қорнига топса, устига йўқ. Ун минг сўм... Нима қилиш керак? Ё сизгирини сотсинми? Бировдан қарз кў-

сиб, боши қотиб юрди. Энди нима бўлади? Дардини кимга атсин? Уйлаб-уйлаб, охири ҳар бир аламзади киши қилиши мумкин бўлган ишни қилди. Қўлига қалам олдию ҳаммасини ёзди...

Шу билан ҳақ жойида қарор топиб, ишлар изига тушиб кетгандир, деб ўйлаётган бўлсангиз керак. Йўқ, аксинча, калаванинг учи баттар чувалашди. Текшир-текшир Шомурод акага қийин бўлди. Унинг номи «ифвогар»га чиқди. Чунки далиллар тасдиқланмаган эди-да. Адолат излаган кекса ҳайдовчини нари олиб бориб, бери олиб келишди. Мажлисларда бошига маломат тошларини ёғдиришди. Уни суйадиган киши топилмади. Ишхонага бирга кириб-чиқиб юрган яқин ҳамкасблари ҳам катталарнинг ғазабидан кўрқибми, ўзларини четга олишди. Яққаланиб қолган Шомурод ака учун барча эшиклар ёпилган эди. Шунда ҳам у ғайирликни, бировга ёмонлик қилишни ўйлагани йўқ. Штат қисқартирилди, деган баҳона билан силлиқина ишдан бўшатиб, паттасини қўлига тутқазишгандагини кўзи ярқ этиб очилди. Лекин энди кеч, фиш қолипдан кўчган.


Яширишнинг ҳожати йўқ: ҳаётимизда бундай воқеалар якка-ёлғиз эмас. Албатта, Шомурод аканинг но-чор тақдирига ачинасан киши. Унинг

Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар ички ишлар бўлими ходимларининг гайрат-шижоати билан бу йил саксон беш жинорий иш очилиб, охирига етказилди. Жумладан тўрт ашаддий гуруҳ қуролсизлантирилиб, бир неча ўқ-дори ва қиммат баҳо буюмлар қўлга олинди.

Суратда: Жинорий қидирув бўлими бошлиғи (чапдан ўнгга) Бахтиёр Ганиев, катта инспектор Нормурот Эшмуротов ва оператив вакил Бахриддин Аҳатовлар қўлга тушган қурол-проғларни рўйхатдан ўтказмоқда.

И. ХУҲАЕВ олган сурат.





СУРХОНДАРЁ ПОЛВОНЛАР ЮРТИ

ТЕРМИЗ шаҳрида буюк аллома Ал-Хаким ат-Термизий хотирасига бағишланган миллий кураш бўйича халқаро мусобақа бўлиб ўтди.

Унда Афғонистон, Туркменистон, Тожикистон ва мамлакатимиз номидан 300 дан ортик полвонлар қатнашди.

Хали Сурхондарёга, қолаверса «Ал-помииш» марказий ўйингоҳига бунчалар ишқибоз йиғилмаган. Вилоят ка-

саба уюшмаларининг ҳисобида турвчи мазкур спорт иншооти икки кун мобайнида миллий кураш ишқибозларининг ҳайкириғидан ларзага келиб турди.

Мусобақа жамғармасига 2,5 миллион сўм пул келиб тушганини эълон қилишганида Сурхон элининг тантилигига ҳамма қойил қолди. Жумладан, Термиз Давлат университети жамоаси қарийиб 100 минг сўм, кумқўр-

ғонлик Худойберди Худойшукуров 100 минг сўм, Афғонистон фуқароси Бўз Муҳаммад Соҳил 200 доллар...

Бундан ташқари Республика касабаси уюшмалари Федерацияси битта видеомагнитофон ва чет эл телевизори, Сурхон савдо концерни 290 минг сўмлик япон телевизори...

Кумқўрғонлик полвон ўрол Тўраев Республика Президентининг 1 миллион сўмлик совринига эга бўлди

ҳамда мусобаканинг мутлақ ғолиби диб эълон қилинди. Жарқўрғонлик полвон Рустам Эргашев эса республика касабаси уюшмалари Федерациясининг совринини қўлга киритди. Термизлик Камол Бойтўраев эса ўша куни ўйингоҳдан вилоят ҳокими таъсис этган тўяни етаклаб кетди.

**Матн ва суратлар муаллифи:
Алимурод МАМАДАМИНОВ.**

ҚИШЛОҚ СПОРТИГА ЭЪТИБОР ЗАРУР

Фарғона вилояти касабаси уюшмалари кенгаши йиғинида ҳам вилоят қишлоқларидаги оммавий спортнинг аҳволи кўриб чиқилди. Бу соҳа мутасаддиси — вилоят касабаси уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Геннадий Гарканов ишда йўл қўйган камчиликларига асосан лавозимидан бўшатилди.

Мухбиримизнинг касабаси уюшмалари вилоят кенгаши муовини, тарбия, маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Анваржон Юнусов билан суҳбати ҳам юқоридаги мавзу-қишлоқ спорти хусусида борди.

— Анваржон, келажакимиз бўлмиш ёш авлодни тарбиялашда спортнинг аҳамияти барчага маълум. Беш йил бурун яхши ниятлар билан кўнгилли спорт жамиятлари бирлаштирилиб юборилган эди. Уша умидлар оқландими?

— 1987 йилда «Буривестник», «Спартак», «Мехнат» ва «Пахтакор» кўнгилли спорт жамиятлари ўрнига ҳозирги касабаси уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт жамияти ташкил этилганди. У ердагилар мустақил равишда Республика жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси низомига асосан иш юрита бошлашди. Кейин қишлоқ спортини ривожлантиришдан кўра кўпроқ тижорат ишларида фойдаланишди, оқибатда асосий мақсад бошқа ёққа буриб юборилди. Шунинг учун касабаси уюшмалари вилоят кенгаши уларнинг ишдан қониқмай, бу жамият фаолиятини ўз пленумида кўриб чиқди. Жамиятнинг асосий вазифаси вилоятда, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли ўртасида оммавий спортни ривожлантириш керак эди. Аммо улар факат

Фарғона шаҳридагина спорт мактаблари очиб, айрим тренерлар номигагина маош олиб юравердилар. Ваҳоланки, жамиятнинг асосий иш қишлоқ жойларда, давлат ва жамоа хўжаликларида, қорхона ва ташкилотларда спортни, унинг миллий турларини ривожлантиришлари, ёш спортчиларни маҳорат билан тарбиялашлари лозим эди. Улар эса тижоратга, маблағ топишга берилиб, спортдан йироқ кичик қорхоналар очишди, кооперативлар ташкил қилишди. Спортни эса ўз холига ташлаб қўйишди. Ахир вилоятимизда 1 миллион 200 минг ёшлар бор. Жамиятнинг маълумотига кўра атиги 4500 киши ёки ўша ёшларнинг 0,03 фоизи спорт билан шугулланарди.

Мисол учун Фарғонадаги «Комсомол» кўли 5 йилдан буён ишламайди. Шаҳарликлар учун эса чўмилишга жой йўқ. Олтинликдаги эшқак эшиш базаси битгандан буён фойдаланилмайди. Қирғулидагисида эса тижоратчилар қабртош тайёрлаш цехи очилган, бинолар оғирҳона, устахона сифатида ишлати-

лаяпти. Таъминотда ҳам молиявий бузилишлар талайгина: Хуллас, қишлоқ спортининг аҳволи ўнганлиги ўрнига орқага кетаётган.

— Бошлиқларку ўзгарибди, жамиятдагилар касабаси уюшмалари вилоят кенгаши билан ҳамкорликда қандай фойдали тадбирларни бошлаши мумкин?

— Қишлоқ спортини ривожлантириш учун аввало касабаси уюшмаларининг жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари раҳбарларининг ойликларини кўтардик, маошларини вақтида олишни йўлга қўйдик. Ёшларни, аёлларни, қизларни спортга жалб қилиш учун турли тўғарақлар ташкил қилаёلمиз. Мактабларни мутахассис кадрлар билан таъминлашни режалаштирдик. Миллий спорт турлари мутахассис кадрлар билан таъминлашни режалаштирдик. Миллий спорт турлари бўйича районларо, тармоқларо мусобақалар дастурини ишлаб чиқдик. Мусобақаларни ташкил қилиш учун ўша ердаги ташкилотларнинг маблағларидан фойдаланишни йўлга қўйяёмиз. Бу ишларимизни жойлардаги район, шаҳар, хўжалиқ раҳбарлари ҳам қўллаб-қувватлашса, ҳадемай Фарғонада қишлоқ спорти оёққа туриб олади. Орамиздан мустақил Республикаимиз миллий спортини ҳимоя қилувчи жаҳон чемпионлари чиқишса ажаб эмас.

**Суҳбатдош:
Адхам ДАМИНОВ,
«Ишонч» мухбири.**

УНФОР тоғлари пойидаги Заркент қишлоғига йўлим тушганида муаллим кадрдоним Нақибжон ака Ёқубжонов:

— Заб келдингиз-да, бугун ён қўшнимиз Қирғизистон қишлоғида улоқ бор, томоша қиламиз,— деб қолди.

Аслида Наманган вилоятининг ярмидан кўпроғи тоғ ва адирликлардан иборат. Янгиқўрғон райони марказидан ўтганингиз ҳамон елкасига оқ чойшаб ёпинган пурақор тоғлар кўзга ташланади. Қадимий томоша уюштирилаётган жой ҳам кекса Унғор тизмаларига улганан Қоровултоғ бошланишидаги текис майдон. Қўшни қишлоқлар икки мустақил республикага тегишли бўлишларига қарамасдан аҳолиси бир ота-она фарзандидек тотув, қуда-қудагай. Тўй-маърақаси бир-бирига эътибор.

Ёш-яланглардан сўнг майдонга тажрибалироқ чавандозлар тушдилар.

Отлар адир четидоги қўшалок қоя пойгагида тўпланишди.
— Аҳмад полвон чидай олмаяпти,— деди кимдир яқингинамда.
— На чора, кексаликка тан бермасдан илож йўқ,— бошқа биров афсусланди.

Уюр ўртасида тортишув тобора авжга чиқарди.

ҚАЕРДАСИЗ, ЧАВАНДОЗЛАР?

— Полвон тоқат қилмади, майдонга тушяпти,— деб қолди тепароқда турган ёшлардан бири ҳаяжонли овозда.

Чиндан ҳам кулоқчини боғичини ияклари остидан ўтказиб танғиб олган қора пустинди чавандоз жўр бўларди. Маъна, унинг кўмирдик, кеп-қора телпаги гуруҳ ичидан ажралиб чиқди. Озига қамчинини тийлаган кўйи майдонни икки бор айланиб чиқди. Улжани ундан олиб қўйиш учун қилинган ҳаракатлар бекор кетди.

50—60 йилларда Аҳмад полвон довури Фарғона водийсига овоза бўлган, унинг майдонга тушишидан дарак тоғанлар, олис-олислардан ташриф буюришарди. Дарҳақиқат, тоғ ҳавоси, ёшлиқдан отга меҳр қўйиш, узлуқсиз машқлар элатонлик Абдулла полвон, Мозор қишлоқлик Ҳасан полвондан ўрганганлари унинг ҳар қандай мураккаб беллашуларда ҳам ғолиб чиқишини таъминларди.

А. Раҳимбековнинг чавандозлик ҳаёти дафтаридаги варақласангиз узоқларга бориб тақалади. Неча марта жароҳатланиб ўринга михланиб ётганларини ёдга олиб ўтиш шарт бўлмаганидек, спорт муваффақиятлари эвазига олинган мукофотларини санаб ўтишни ҳам лозим топмадик.

— Юз бераётган ўзгарилардан хурсандман,— дейди Аҳмад полвон.— Бахтимизга Президентимиз Ислам Каримов халққа қайишади-ган чиқди. Биз кексалар хусусида ҳам отарли гамхўрлик кўрсатяпти. Бир нарсадан кўнглим чиқмаяпти холос. Узбекистонимиз мустақилликка эришганлиги туфайли юзага келган кулай шарт-шароит спортнинг миллий турларини ривожлантиришда ўз аксини топмаяпти. Эҳтимол, Тошкент шаҳри ва вилоятда бу нарса бўлса бордир, бироқ на бизнинг Наманганда, на водийнинг бошқа жойида чавандозлик мактаби ёки бу тур курашни ўргатадиган устозлар ишлаётгани қўлоғимга тушмади. Ахир, биргина бизнинг районимиздан чиқиб яқин-яқинларгача номлари бутун жумҳуриятга етиб борган марҳум чавандозлар Абдуваҳаб Абилов, Қурбон Мирзаёров, Абдувоҳид Абилов қабилар довуруғи нега бугун эшитилмаяпти? Бу тўғрида район ва вилоятлардаги тегишли мутасадди укалонларимиз астойдилроқ бош қотиришларини истардим. Узбек спорти биринчи навбатда миллий кураш ва чавандозликдан бошланганлигини унуттишга ҳаққимиз йўқ!

Кекса чавандоз Аҳмад полвон Раҳимбековнинг жон қуйдиришларида асос бор.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.**



УТГАН ЙИЛНИНГ май ойлари бўлиши керак. «Нур» ижодий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори Асрор Самад Хамза театрига бориш учун қўлимга «таклифнома» берди. Унда Амир Темурнинг Хамза театрида ўтказилаётган хотира тўйига таклиф қилганди.

— Бу тўйни ким ўтказаяпти? — дея сўрадим ҳаяжонланиб. Бу ҳол чиндан ҳам мен учун эллик йиллик умримда энг ардоқли кун эди. Салгина олдин бобога Яккабоғ районида хайкал ўрнатилганини эшитиб кўзларимга ёш калқиганди.

— Тўйни «Нур» бирлашмаси уюштирди, — дея Асрор ака жавоб қилди. Кейинроқ билсам Хамза театрида ҳазрат бобомиз ҳақида спектакль тайёрланаётган ва мазкур тўй мана шу улуг ишнинг бошланиши экан. Гапдан гап чиқиб Асрор акадан спектаклни ким саҳналаштираётгани, кимнинг асарлигини сўрадим. Асарни инглиз драматурги Кристофор Марлонинг «Буюк Темурланг» шеърини пьесаси оҳанглирида ўзи яратганини сўзлаб берди. Мен 1969 йиллар ҳозирги Абдулла Қаҳҳор кўчасида жойлашган «Кинопрокат» биносида «Кино» журнали ва газетаси Асрор ака билан бирга ишлашганим. Шундан бери Асрор акани яхши билардим. Уша пайтлар

улар зўр бериб шеърлар ёзар, ҳикоялар машқ қилар, бироқ ҳеч кимга кўрсатмас, эълон қилиш учун бирор жойга ҳам бермасди.

— Асрор ака, нима учун асарларингизни бирор газета ё журналга босишга бермайсиз? — деганимда, у елкамга кокиб, камсукумлик билан:

— Жигарим, ёзилган ҳамма асарлар босилиши шартмас, баъзан одамзод ўзи учун ҳам ёзиб юрверади, — деб қўқоларди. Асрор ака табиятан хушчақчақ, ҳазилкаш, ҳеч қачон одамни ранжитмайдиган, билмаган нарсаларни жон-тани билан ўргатадиган одам эди ўша кезлар. Орадан йиллар кечди.

Кутилмаганда манман деган ижодкорлар ҳам ботинмайдиган, тўғрироғи журъат этмайдиган улуг ишга қўл уриш... яна ҳазрат Темурга... бу хол чиндан ҳам мен учун ҳайратланарли воқеа эди.

Асрор аканинг «Соҳибқирон Темур» асарининг кўригига бориш насиб этди. Ниҳоят кайгули мусиқа янграб спектакль бошланишидан дарақ берди. Миямда хаёллар гужгон ўйнаб; ҳисларим беҳад даражада жўшиб ҳам кетди. Қулоқларимга куйидаги монолог эшитилди:

**Юз эллик ёв қўлимда эзилди Турон,
Юз эллик йил қон ичида бўғилди**

бу эл...

Титратарди бу дунёни Турон деган

ном,

Баҳодирлар, қаҳрамонлар бор эди

бунда,

Турон эди бу жаҳоннинг тожи ва

тахти...

Саҳна ёришгандан ёришиб, орка томонда — мовий осмонда порлок бир юлдуз кўринади. Бу юлдуз Турон тупроғидан порлаб чиқади. Бу порлок юлдуз — ҳазрат Темур... шу билан дунё майдонида ўзга бир жараён бошланади. Турон ва туронликлар жараёни... ва узок йиллар тарих, ер юзи тарихи мана шу жараёни акс эттиришга мажбур бўлади...

Саҳнада ер шарни кўринади ва бу томошабин тасавурида бобо Темур жаҳонгирнинг ер шарни узра сиймосини намоён қилди. Шу тарихи саҳнада салобатли, доғишман, юз ўлчаб бир кесадаган ҳазрат Темур кўриниб, томошабинлар калбига кириб борди. Мен узок йиллар «борди-ю, саҳнада

Амир Темур сиймоси жонлантирилса, буни ўзбек халқининг сеvimли фарзанди, тенгсиз санъаткор Шукур Бурхонов яратиши керак», деган умидда эдим. Чиндан ҳам Темурий хиссиётда ва аклда тенгсиз зотни фақат Шукур акагина яратиши мумкин эди. Афсуски ёруғ кунлар бошланганда, Темурдай, Жалололдиндай зотлар саҳнага чиқа бошлаганда Аброр ака, Шукур акалар йўқ... ҳар ҳолда Хамза номли давлат мукофоти лауреати Толиб Каримов ҳам менда яхши таассурот қолдирди.

Спектаклни марок билан томоша қилдим. Рассом ҳам спектаклни ёмон бегаган эмас. Режиссёр ҳам кўп топилдиқлар қилган. Бибиноним родини бажарган Гулчеҳра Жамилова ҳам

Юсуповаларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш зарур.

Спектакль ниҳоялагандан кейин унинг мухокамаси бўлди. Мухокамада катнашган ёзувчи, шоир, драматурглар, олимлар, мутахассислар мазкур томоша ҳақида ижобий фикр билдирдилар. Шу билан камчиликларини ҳам рўй-рост гапирдилар, спектакль менда ҳам яхши таассурот қолдирди. Ҳатто имкон топиб Асрор акадан асарнинг қўлёзмасини олиб ўқиб ҳам чиқдим. Спектакль даврида баъзи сўзларни яхши эшитмаганман ё яхши етказиб беролмагандай туюлганди, асарни ўқиганимдан кейин, спектаклдаги баъзи бир мавҳум манзаралар тиниклашди. Туйғу ва фикрларимдаги кемтиклар ҳам тўлди.



мазкур ролни ўзига хос усул билан яратиб, эсда қоладиган даражада етказган. Мен шу ўринда Амир Саид образини жуда кучли маҳорат билан яратган, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рихсвий Авазовнинг хизматини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу артист билан биз 1965 йили биргаликда Тошкент театр расомлик санъати олийгоҳини битирган эдик. У олийгоҳда ўқиган кезларимиз ҳам икtidорли эканини доим намоён қилган эди. Ўртоқларимиз орасида ҳам биринчи бўлиб хизмат кўрсатган артист унвонига сазовор бўлди. У изланувчан артист ва яратган образлари асло бир-бирларига ўхшамайди.

Мени каттик ҳайратга солган, ўзбек халқининг яна бир сеvimли санъаткори, марҳум Саъдихон Табибуллаевнинг меҳнатларини эътироф этмасдан иложи йўқ. Сайид Барака родини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Саъдихон Табибуллаев мени «Мирзо Улуғбек» спектаклида Бобо кайфий образи билан юрагимни ларзага солган эди. Бу гал ҳам худди шундай хол юз берди. Умаршайх родини бажарган артист Хожиакбар Комилов, Шохрух родини ижро этган артист Маҳмуд Исмоилов, Амир Бурхон — артист Мухаммадали Абдуқундузов, Амир Жоку — артист Пўлат Носиров, Маҳмудхон — артист Фатхулла Масъудов, Чўлпонбегим — артист Сайёра Юнусова, Жаъфар — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист — Бахтиёр Қосимов, Султон Боязид — Хизмат кўрсатган артист Саидкомил Умаров, Миср султони — Халқ артисти Зиқир Мухаммаджонов, Тўхтамишхон — артист Рустам Каримов, кампир — Хизмат кўрсатган артист Тўти

риф буюрган эдилар.

Йиғилганлар Баҳром Тожибоевнинг «Қадриятлар эъзози — мустақил республикамиз истикболи учун муҳим омил», Неъмат Хакимнинг «Амир Темур буюк давлат арбоби, саркарда ва санъат, маданият хомийси», маърузасини Тўра Мирзо ва

Хайдар Мухаммаднинг шеърларини, Турсунбой Саксоновнинг «Темур Ислом дини уламулари хомийси», Раҳмон Мадғойбовнинг «Темур юрган йўллар бўйлаб саёхат таассуротлари»ни марок билан тингладилар.

Олимларимизнинг соҳибқирон ҳақидаги маърузала-

ҳам ўзига хос доно сиймо ва тадбиркор инсон, Темурга содик киши сифатида талқин қилинади. Мана шу қаҳрамон спектаклга алоҳида бир руҳ бағишлайди. Темур билан у орасида кечган суҳбатлардан бу икки зотнинг бир-бирларини нечоғлик ҳурмат қилиши ва бир-бирларига ишонилари жуда аниқлик билан ифода этилади.

Маълумки, Олтин Ўрда шоҳи Тўхтамиш бир неча бор ўзаро урушларда тахтидан ажрайди ва Турон шоҳи Амир Темур паноҳига ёрдам сўраб келади. Бағри кенг ва мард Темур унга бир неча бор аскарлар ва қурол-яроғлардан ёрдам беради, ўз тахтини қайтадан эгаллашда қўмақлашади. Бироқ Тўхтамиш кўрнамаклик қилиб, Амир Темур узок сафарга кетганидан фойдаланиб Турон юртига от тортади ва талайди, ҳатто кўп ерларни ёқиб ҳам кетади. Бундан ғазабланган Темур Олтин Ўрда томон лашкар тортади. Тўхтамишни узиликесил тор-мор қилиб, шу билан Олтин Ўрданинг кейинги фаолиятига мутлақо чек қўяди. «Темурнома» китобининг муаллифи гувоҳлик беришича Олтин Ўрта мутлақо қулагандан кейин Амир Темур Москов томон от сурди, деб ёзади. Темур Московга бир неча кун қиролмайди ва лашкар бошлиқларига ёмғир ёғиши ва тўпларнинг оловдонлари намланиши, намлангандан кейин тўплар отилмаслиги ва шу тарихи ҳужумга ўтишларини буюради. Шундай қилинади ва ўша кезлар Московни бошқараётган мўғуллар шоҳи Чингизхонни (бу бошқа Чингизхон) тахтдан ағдаради. Шу кундан бошлаб Москов, яъни Русия Амир Темурнинг ўғли Шохрух вафот этгунига қадар бож тўлайди.

«Соҳибқирон Темур» асарида ўша фирибгар Тўхтамишни ушлаб келиш саҳнаси бор. Мана шу саҳна ҳам томошабиннинг эсида қоладиган даражада меъёрига етказилган. Бундан ташқари Кичик Осие шоҳи Боязид билан Темурнинг учрашув саҳнаси ҳам менда яхши таассурот қолдирди. Марок билан кузатдим. Худди шундай Миср саҳнаси ҳам ҳозиргача кўз ўнгимда намоён бўлиб турибди. Назаримда Темурнинг ўғиллари озгина ишланиши, яъни феъл-атворлари очилиши керакдай туюлди. Ўғилларнинг отаси Темур қаршида одоб сақлашлари балки бу қаҳрамонларнинг характерини очилишига бир оз тўқинлик қилгандир... ҳар ҳолда шундай манзара кўзга ташланади.

Асарнинг қўлёзмасида Бибиноним Амир Темурдан олдин ўлади. Аслида ҳам шундайми? Тарихнинг гувоҳлик беришича Амир Темур Ўтрорда бетобланиб қолганидан кейин харорати беҳад кучайиб қискагина туш кўради. Тушида қамишзорларда юрган бўлади. Тож бўлиб кўринган улкан олтин дарахт қулайди ва отаси келиб, уни яйдоқ отга миндириб олиб кетади... Темур бундан Бибинонимга айтади. Бибиноним тушни яхшиликка йўяди... Темур тезорада Бибинонимнинг қўлида жон беради... албатта, санъатда шартлилик деган тушунча мавжуд. Боз устига асар бошқа бир асар оҳангларида ёзилган, шу сабабли бу манзарани ҳам кечириш мумкин...

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Асрор Самаднинг адабиётда узок йиллик орттирган тажрибалари ўз самарасини кўрсатибди. Асрор Самад яхшигина саҳна асари яратибди. Уни фақат табриқлаш мумкин. Боз стига ҳазрат Темур ҳақидаги уринишларнинг ўзи, яъни биринчилардан бўлиб бобомиз сиймосини саҳнада яратишининг ўзи диққатга сазовордир Асрор Самадга бундан кейин ҳам яхши саҳна асарлари яратишига муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ўктам ҲАКИМАЛИ.


СОҲИБҚИРОН 657 ЁШДА

УША кунни пойтахтимиз «Меҳржон» боғининг дам олувчилари байрамона карнай-сурнай садолари тарафтаётган ёзги саҳна атрофида йиғилдилар. Бу ерга эса рес-

публика маънавият, маданият, тарғибот марказининг бир гуруҳ олимлари замонари соҳибқирон, ҳазрат Амир Темур таваллудининг 657 йиллигини нишонлаш учун таш-

ри йиғилганларни кизгин баҳсларга чорлади. Савол устига саволлар ёғилди. Қизгин баҳс-мунозара катнашчиларига Хотам хофиз Қосимов ва «Соҳибқирон» гуруҳи хонвалдалари кўтаринки руҳ ва ором баҳш этди.

Зебо АҲРОРОВА.



АПРЕЛЬ

19 ДУШАНБА

● УзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун фильм.
18.40 «Оламин асранг».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Учрашув». «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллиги.
20.10 «Окшом эртаклари».
20.25 «Назм ва наво». Нодира таваллудининг 200 йиллигига.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Кахрамонлик мадхи».

Тўхтасин Аҳмедов ҳақида теле-очерк.
21.55 «Кўшик рақса уланса». Мусикий кўрсатув.
22.35 «Конунчилик ва мустақилликни ривожлантириш».
23.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Сўғдиёна» (Жиззах) — «Пахтакор» (ёзиб олинган).
00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.30 Болалар учун. «Совға».
19.00 «Муҳаббат тароналари». Фильм-концерт.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Соғлом авлод учун». Бевосита мулоқот.
20.40 «Йўлингиз бехатар бўлсин».

21.00 «Лаҳза». Хабарлар.
21.15 «Факат кизлар учун» (такрор.).
22.10 «Лаҳза». Хабарлар.
22.25 «Иккинчи баҳор». Бадий фильм.

● «ОРБИТА IV»

ПРОФИЛАКТИКА

17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
17.25 Давлатлараро «Останкино» телеканал «Салом, менинг кадрдонларим» кўрсатувини таништиради.
17.55 «Мулкдор алифбоси».
18.10 «Гол».
18.40 Хафтанинг акс садоси.

19.10 «Горячев ва бошқалар». Бадий телесериал премьераси. 10-серия.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Горячев ва бошқалар». Бадий телесериал премьераси. 11-серия.
20.55 «Спорт уик-энди».
● **«Янги студия» таништиради:**
21.10 «Бомонд».
21.50 «АТВ-брокер».
22.00 «Выбор-2000».
23.35 «ТВ-галерея».
23.55 «Мегамикс». Танаффус пайтида (23.00) — Янгиликлар.

● «ДУБЛЬ IV»

17.00—18.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

18.20 «Ҳақиқат онлари». А. Караулов саволларига адвокат А. Макаров жавоб беради.
19.15 «Экспомарказ» таништиради.
19.20 «Динозавр бўлмайдик».
19.35 Душанба кунини детектив «Лаки страйк» таништиради. «Ифлос пуллар». «Криминал ходисалар» туркумидан.
20.30 «Ксюша хузурида».
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатувини.
21.35 «Сатрикон» студияси. «Кўршапалак» меҳмонларни қабул қилади.

20 СЕШАНБА

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Томоша». Фильм-концерт.
8.00 «Лев Толстой». Бадий фильм. 1-серия.
9.15 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.45 «Ешлик» студияси. «Уй бекаларига маслаҳатлар».
10.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
«Тадбиркор».
«Эълонлар».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Спортлото».
20.00 «Нодир хазина». «Ўзбек-телефильм» премьераси.
20.10 Окшом эртаклари.
20.25 Республика ёш макомчи-

лар танловининг ғолиби Хуршида Ҳунова концерти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Устозни ёд этиб». Фафур Гулом таваллудининг 90 йиллигига.
22.15 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Навбахор» (Наманган) — «Нефтчи» (Фаргона). Ёзиб олинган.
23.00 «Зудов, ишдан бўшатилдингиз». Бадий фильм.
00.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.30 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
19.20 Манзарали фильм.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси камер оркестри ижро этади.
20.30 «Бу окшомда».
22.00 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».

8.00 Янгиликлар.
8.20 «Ассалом, оғпоқ ой!» Читадан кўрсатилади.
8.30 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
9.15 «Гол».
9.45 «Горячев ва бошқалар». Бадий телесериал. 10 ва 11-сериялар.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс:
11.20 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадий фильм. 1 ва 2-сериялар.
13.45 Мультфильм.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Ишбилармонлар хабарномаси».
14.40 «Конверсия ва бозор».
14.10 «Ён дафтар».
15.15 Мультфильмлар.
15.35 «Стартинэйджер».
16.15 «Технодром».
16.25 Мультфильм.
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 Ф. Шуберт. 1-симфония.
17.55 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий

фильм премьераси.
18.40 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 Долзарб интервью.
20.35 «Моефильм» киностудиясининг 70 йиллигига. «Хотима». Бадий фильм.
22.45 «Матбуот-экспресс».
22.25 «Ялта-93». Эстрада кўшиқлари ёш ижрочиларининг VIII телевизион танлови.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Хоккей. Жаҳон чемпионати. Швеция — Канада терма командалари. Германиядан кўрсатилади.
01.35 «Сиёсат» студияси таништиради.

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 Мультфильмлар.
8.15 «Ҳақиқат онлари».
9.10 Ишдан бўш пайтингизда.
«Кўлни бер, дўстим».
9.25 «Бола тилидан».
9.55 «Халк фраки».
10.50 «Параллеллар».
11.10 Хонаки экран. «Ўлим

унчалик кўркинчи эмас». Бадий фильм.
12.45 «Дехконларга тааллуқли масала».
13.05 «Кечки салон» саҳифаларида.
14.40 «Телебиржа».
15.10 Янгиликлар.
15.25 «Рост» студияси. «Эски тегиримон».
15.55 Трансросэфир. «Ахволлар қалай, Уфа?»
16.40 Мультфильм.
16.50 Спорт кўрсатувини.

17.00—19.45

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.45 «Уй қуриш бизга ҳеч гап эмас».
20.00 «Экспомарказ» таништиради.
20.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 156-серия.
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
21.45 «Мусикий синов». Ёш эстрада хонандаларининг танлови.

21 ЧОРШАНБА

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Шермат Файзуллаев кўйлайди». Фильм-концерт.
8.00 «Лев Толстой». Бадий фильм. 2-серия.
9.25 Турк тили.
9.55 «Ешлик» студияси. «Баҳор таровати».
10.35 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фан уфқлари».
18.40 «Элга хизмат».
19.10 «Арча, тандир, олов». Телефильм.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Осойишталик посбонлари».
20.10 «Окшом эртаклари».
20.25 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.

20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Ўзбекистон — кадрдон юртим. Руслар». 1-фильм.
22.35 Жумҳурият газеталарининг шарҳи.
22.45 Ўзбекистон халқ артисти Гуломжон Екубов кўйлайди.
23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.30 «Сухбатга чорлаймиз».
19.10 «Спринт».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Билим сарчашмалари».
20.20 «Микрофон».
20.50 «Хамжихатлик».
21.35 «Кинотриада».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20, 17.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Тингланг, томоша кининг».
8.40 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
9.30 Диний кўрсатув.

10.00 «Янги авлод танлайди».
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.

Кундузги киноэкспресс:

11.20 «Ўлик жонлар». Беш серияли телевизион бадий фильм. 3 ва 4-сериялар.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 Мультфильмлар.
15.40 «Янги номлар».
16.20 «Клуб-700».
16.50 «Технодром».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.25 «Сиёсат» кўрсатувини таништиради.
17.50 «Сув саёҳат ҳақида». Хужжатли фильм.
18.00 «Оддий Мария». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси.
18.45 «Кинопанорама».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.20 «Сиёсат» студияси таништиради.
20.55 «Тиллар оламини кашф

этади».
21.05 Телевизион бадий фильм.
22.10 «Талаб қилинган кино».
22.40 Шерият альбомини.
23.00 Янгиликлар.
23.35 Футбол. Чемпионлар лигаси. «Глазго рейнджерс» (Шотландия) — МАСК. Шотландиядан олиб кўрсатилади.
01.20 «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Азъ есмь».
8.25 «Ксюша хузурида».
8.55 «Санкт-Петербург балетини».
9.40 «Мусикий синов». Ёш эстрада хонандаларининг танлови.
10.40 Мультфильм.
10.50 Ишдан бўш пайтингизда.
«Хонаки клуб».
11.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 156-серия.
11.55 «Катта жанжал».
12.40 «Дехконларга тааллуқли масала».
13.05 Кундузги сеанс. «Шаҳар-

лик қиз». Бадий фильм. Свердловск киностудиясининг 50 йиллигига.
14.15 «Агар сиз...»
14.45 «Бизнес: янги номлар».
15.00 Янгиликлар.
15.15 «Рост» студияси. «Мусикий синф».
15.45 Трансросэфир. «Ўзқо Шарқ».
16.30 Христианлар учун кўрсатув.

17.00—19.05

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 157-серия.
19.55 Криминал хабарлар экрани.
20.05 «Нота бене». «Ленинизм сабоклари».
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатувини.
21.35 «Нижегород отўйини» фестивалининг очилиши.
23.10 «Зоопарк» гуруҳидаги Майк».
00.10 Баскетбол шарҳи.

22 ПАЙШАНБА

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Юртимнинг азиз сиймолари». Телефильм.
8.05 «Бир лаҳзалик кўрқув». Бадий фильм.
9.30 Араб тили.
10.00 «Қалдирғоч». Фильм-концерт.
10.30 Ўқув кўрсатувини. Ўзбек адабиёти. Зулфия лирикаси.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.30 Ўқув кўрсатувини. Ўзбекистон халқлари тарихи.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Томоша».
18.40 «Солиқлар ҳаммага тегишли». Телевизио киножурнал.
18.50 «Бу турфа олам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Сўх дарёси бўйлаб». Телефильм.
20.10 «Окшом эртаклари».
20.25 Элмира Норбоева рақса тушади.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.

21.30 «Пилла — бойлигимиз».
22.00 «Ўзбекистон — кадрдон юртим. Руслар». 2-фильм.
22.55 «Меҳрибонгинам». Бадий фильм (Хиндистон). 1-серия.
00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

18.30 Болалар учун. «Табасум».
19.00 «Асрлар оҳанги». Фильм-концерт.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Бу окшомда».
21.00 «Пульс». Хабарлар.
21.15 «Суперспорт».


22.00 «Пульс». Хабарлар.
22.15 Эълонлар. «Кинонигоҳ».

● «ОРБИТА IV»

4.55, 8.20, 14.20, 20.20, 00.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.30 «Кўлаб мусикалар».
9.10 «Рус кошнини». Телефильм.
9.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
10.00 Футбол. Чемпионлар лигаси.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
Кундузги киноэкспресс:
11.20 «Ўлик жонлар». Беш се-

рияли телевизион бадий фильм. 5-серия.
12.45 «Чайка». Телевизио бадий фильм.
13.25 «Зайнаб Бишшева». Хужжатли фильм.

14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Телемикст».
15.10 «Ён дафтар».
15.15 Мультфильм.
15.30 «Олеся ва компания».
16.00 «Қизлар ўртасидаги сир».
16.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).



17.20 Долзарб репортаж.
17.50 Мультфильм.
18.10 «Кўплаб мусикалар».
18.50 Футбол. Чемпионлар лигаси.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
20.25 «Визбор чўккиси». Телевизон бадий фильм.
21.45 «Матбуот-экспресс».
21.55 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. 1/2 финал. «Ант-

верпен» (Бельгия) — «Спартак» (Москва). Бельгиядан кўрсатилди.
23.45 Янгиликлар.
00.25 «L — клуб».
01.10 Футбол. «Уэмбли сари йўл».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишбилармон кишилар даври.
7.55 «Нота бене». «Ленинизм сабоқлари».

8.50 Тонгги концерт.
9.05 «Кузирхоним».
9.35 «Зоопарк» гуруҳидаги Майк».

10.35 «Параллеллар».
10.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 157-серия.
11.40 «Бегона кирғоқлар».
12.10 Мультфильм-пульт.
12.20 «Репортёр».
12.35 «Дехқонларга тааллуқли масала».

13.00 Кундузги сеанс. «Ўттиз уч». Бадий фильм.
14.15 Мультфильм.
14.20 «Эски хўжайин». Хужжатли фильм.
15.00 «Терминал».
15.30 «Улар узок кутишмоқда».
16.15 Акс-садо. «Кулаётган одам».
16.45 «М-трест».

17.00—19.15
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.15 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм премьераси. 158-серия.
20.05 «Сиясат майдонида».
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 «Арт-обстрел». Эдита Пьеха.
22.55 «Хроно». Авто ва мотоспорт оламида.

23 ЖУМА

● УзТВ I

7.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
7.30 «Ракс сохибаси». Фильм-концерт.
8.05 «Ўрдак кўли» вокаеси. Бадий фильм.
9.10 «Ешлик ва Наврўз».
9.55 Дўстлик тароналари.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Биология. Биотехнология ва ген инжениерияси.
11.00 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари (АҚШ).
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология. Хайвонот олами ва уни кўриклаш.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Хаёл» кўғирчоқ театр студияси — мекхонимиз.
18.45 «Ижод саҳифалари». Муҳаммад.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти

(рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Мусикий дақиқалар.
20.10 «Оқшом эртақлари».
20.25 «Одобнома».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 «Танбур ноласи». Ўзбекистон халқ артисти Турғун Алиматов.
22.45 «Меҳрибонгинам». Бадий фильм. 2-серия.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

4.55, 14.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.00 Янгиликлар.
5.35 Эрталабки гимнастика.
5.45 «Тонг».
8.00 Янгиликлар.
8.20 «Олеся ва компания».
8.50 Болалар учун фильм. «Дўстим Сўкратжон».
10.00 Футбол. Кубок эгалари-

нинг кубоги. 1/2 финал. «Антверпен» (Бельгия) — «Спартак» (Москва). Бельгиядан кўрсатилди.
10.50 «Матбуот-экспресс».
11.00 Янгиликлар.
11.20 «Саёхатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). Театр шинавандалари, Сизлар учун!
12.10 А. Арбузов. «Эскирган комедия». В. Маяковский номли Москва академик театрининг фильм-спектакли.
13.45 Мультфильм.
14.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
14.25 «Бридж».
14.50 «Бизнес-класс».
15.05 «Ен дафтар».
15.10 Болалар учун фильм. «Дўстим Сўкратжон».
16.20 «Провинция».
16.50 «Иш».
17.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
17.20 Давлатлараро «Останкино» телеканалы «Хамдўстлик манфаатлари посбонлигида» кўрсатувини таништилади.

17.40 «Инсон ва конун».
18.10 «Вагон-03».
18.40 «Жамоатчилик фикри».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.
20.00 Янгиликлар.
«ВИД таништиради»:
20.20 «Муъжизалар майдони».
21.15 «Ток-шоу».
22.45 «Авто-шоу».
23.35 «Сиясий бюро». Танафус пайтида (24.00) — Янгиликлар.
00.05 Василий киялигида концерт-митинг. Кўрсатув тугагач — «Матбуот-экспресс».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.25 Ишдан бўш пайтингизда.
7.55 «Рек-тайм».
8.25 «Сиясат майдонида».
9.20 «Сиз яратган боғ».
9.50 «Хайвонот оламида».
10.50 «Ишдан бўш пайтингизда».
11.05 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 158-серия.

11.55 «Пилигрим». Россия саёхатлар бюроси.
12.40 «Дехқонларга тааллуқли масала».
13.05 «Ижица».
13.35 Мультфильм.
14.50 «Телебиржа».
15.20 Янгиликлар.
15.35 «Рост» студияси. «Степа амакини табриклаймиз».
16.05 «Трансросэфир».
16.35 Парламент хабарномаси.
16.50 Спорт кўрсатуви.

17.00—18.35
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.35 Жума куни Дисней. «Ер сайёрасига юборилган». Бадий фильм. 7-серия.
19.25 Россия Федерацияси Олий Кенгашининг сессиясида.
20.00 «К-2» таништиради: «Абзац».
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.25 «Аждахони ўлдириш». Бадий фильм.
23.25 Миллий баскетбол уюшмасининг энг яхши ўйинлари

24 ШАНБА

● УзТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».
8.00 «Хамма гап акамда». Бадий фильм.
9.15 «Ўзбекистон спорти».
9.45 «Бола бошдан...» Мактабгача тарбия масалалари.
10.25 «Саноатимиз одимлари».
10.55 Дони Зокиров номидаги халқ чоғу оркестрининг концерти.
11.20 «Алифбо сабоқлари».
11.50 «Ешлик ёғдуси».
12.30 «Бинокор».
13.00 Футбол майдонларида.
13.30 «Устоз ва мураббий». Республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи О. Шарафиддинов тавааллуқининг 95 йиллигига.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сехрли тун». Болалар учун фильм.

19.00 «Санъат гунчалари».
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Ихтиро ва кашфиёт».
20.10 «Оқшом эртақлари».
20.25 Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Хамдамов куйлайди.
21.00 «Туркистон» ахбороти.
21.30 Жумхурият газеталарининг шарҳи.
21.40 «Муштум» билан учрашув.
22.40 «Кино. кино. кино...».

● УзТВ II

АШГАБАТ КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

5.45, 7.30, 14.20, 20.20 — Кўрсатувлар тартиби.
5.50 Эрталабки гимнастика.
6.00 «Матбуот-экспресс».
6.10 «Ишбилармон кишининг шанба тонги».
6.55 Янгиликлар.
7.35 «Спорт-инконият».
8.05 «Марафон-15» — кичкинтойларга.

8.30 «Шанба кунги дастхат». М. Задорнов.
9.00 «Тиббиёт хамма учун».
9.40 «Кизил космос». Телефильм премьераси. 10-фильм.
10.10 «Рус олами».
10.50 Мусикий кўрсатув.
13.25 Мультфильмлар.
14.00 Янгиликлар.
14.25 «Ўзгариш». «Илҳом манбалари» кўрсатуви хузурида меҳмонда.
14.55 «Марказий экспресс». Европа тележурнали.
15.25 «Ультраси» спорт кўрсатуви.
16.05 «Хайвонот оламида».
16.45 «Оба-на-Угол-шоу».
17.15 «Кизил квадрат».
17.55 А. Кторов ижодиети.
18.45 «Коламбия пикчерс» «Секс — копкон» бадий фильми премьерасини таништилади. Майк Хаммер телесериалидан.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
19.55 Эълонлар.

20.00 Янгиликлар.
20.25 «Коламбия пикчерс» таништиради. «Анна Каренина». Уч серияли бадий фильм премьераси. 3-серия.
21.15 «Сиясат» студияси таништиради. Аналитик репортаж.
21.40 «Хам ташвиши ва кулги нарсалар хакида». А. Арканов.
22.30 «Матбуот-экспресс».
23.00 Янгиликлар.
23.35 «Телетўлкин: ишонч, умид, мухаббат».

● «ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.20 «Оламга ўз нигоҳи билан қараш».
7.45 «730-Формула».
8.15 «Рост» студияси. «Бизнинг «Аралаш-куралаш».
8.45 «Хали англамаган конпот».
9.15 «Бурда моден» тавсия этади...
9.45 «Пилигрим». Россия саёхатлар бюроси.

10.25 «Дехқонларга тааллуқли масала».
10.45 «Омад кулиб боққанда».

11.45—15.15 «ЎЗБЕКИСТОН» «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

15.15—17.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20 «Мутлақо махфий».
18.15 Спорт кўрсатуви.
18.20 Ҳоккей бўйича жаҳон чемпионати. Россия — Швеция. Танафус пайтида — «Хар бир кун байрам».
19.45 «Қахрамон учун кўзгу». Бадий фильм. 1-серия.
21.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 «Қахрамон учун кўзгу». Бадий фильм. 2-серия.
22.35 «Келинг, аниқлаб олайлик».
22.50 «Чегарасиз футбол».

25 ЯКШАНБА

● УзТВ I

7.00 «Ўлма с мерос». Телефильм.
7.20 Севги тароналари.
8.00 «Туркистон» ахбороти.
9.30 «Маҳобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Хиндистон). 13-серия.
9.15 Инглиз тили.
9.45 Мактаб ўқувчилари учун. «Кувнок стартлар».
10.30 «Меҳр».
11.00 «Адабиёт ва маънавият».
11.45 «Излаган имкон топади».
12.15 «Ватанпарвар».
13.00 «Тилсиз ёв асорати». Чернобыль талофатини бартараф этишда зарарланган республикамиз фуқароларининг ижтимоий химоя қилиниши хусусида.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Беодоб», «Олис Жанубда». Мультфильмлар.
18.25 Ўмирлар учун. «Уйла! Ила! Топ!».
19.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 «Билиб қўйган яхши».
20.10 Жаҳон спорти янгиликлари.

20.20 «Дил номалар». Мусикий кўрсатув.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.30 Бутунжаҳон биродарлашган шаҳарлар куни.
22.10 «Ойнаи жаҳонда».
22.20 Мерос. «Нодирани давр».
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УзТВ II

БИШКЕК КЎРСАТАДИ

● «ОРБИТА IV»

5.50, 7.30, 21.45 — Кўрсатувлар тартиби.
5.55 «Рухни чиниктириш».
6.55 Янгиликлар.
7.35 Эрталабки гимнастика.
7.45 «Спортлото» тиражи.
8.00 «Марказ».
8.30 «Эрта сахарлаб». «Денвер — динозаврларнинг энг сўнггиси». Кўп серияли мультфильм премьераси.
9.00 «Ҳозирча хамма уйдалигида».
9.30 «Тонг юлдузи».
10.20 «Хунарли хор бўлмайди».
10.25 «Ҳарбий ревью».
11.05 «Кора кўркани от саргузаштлари». Болалар учун кўп серияли телефильм премьераси.
11.30 «Китобхона».
12.10 «Марафон-15».
«КТВ-1» ва «Франс интернациональ» канали таништиради:

13.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультфильм премьераси.
13.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли хужжатли фильм премьераси.
14.00 Янгиликлар.
14.15 Мультфильм.
14.35 «Сайланганлар ва халқ». С. Шушкевич.
15.15 «Саёхатчилар клуби».
16.05 Мультфильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина овловчилар».
17.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув.
17.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.00 «Славяне» халқ раке театри ижро этади.
18.15 «Олам дам олишда». Якшанба кинокўрсатувлари:
19.00 Киношарҳ.
19.20 Телеэкранда биринчи марта. «Авлиёлар сафарга чиққанда». Бадий фильм («Ленфильм» кино уюшмаси).
20.55 Эълонлар.
21.00 «Яқулар».
21.50 Катталар учун мультфильм.
22.50 «Учовлон, етовлон, туз». Телеўйин.
23.00 Янгиликлар.
23.15 Ҳоккей. Жаҳон чемпионати. Россия — Канада терма командалари. Германиядан олиб кўрсатилади.

● «ДУБЛЬ IV»
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
7.20 «Лена ва Рита». Хужжатли фильм.
7.50 «Рост» студияси. «Мусикий синф».
8.20 «Гап-гаштақларни кўмбаб».
8.45 «Лад-галерея». Ҳайкалтарош И. Рукавишников.
9.15 «ОЗ» кўрсатуви.
9.45 «Ати-бати...»
10.15 Фольклор. «Рязанда тўйлар».
10.45 Кипрас Мажейка. «Кичик Европа»дан репортажлар.
11.15 Кино музейи. «Мэри Пикфорднинг бўёси». Бадий фильм.
12.35 «Дехқонларга тааллуқли

масала».
12.55—17.25
**«ЎЗБЕКИСТОН»
«ХАЛҚАРО»
ТЕЛЕКАНАЛИ**
17.25 «Хар бир кун байрам».
17.35 Си-Би-Эс кинотеатри. «Умбалок ошиб». Бадий фильм (АҚШ).
19.15—21.20
ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
21.20 «Юлдузлар билан суҳбатда».
21.30 Спорт кўрсатуви.
21.35 Катталар учун мультфильм.
21.50 Тунги севне. «Ўз ихтиёрига кўра севиб қолган». Бадий фильм.

«Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиздан олинди.

Шоҳруҳжон! Сени тугилган кунинг билан чин кўнгилдан табриклаймиз. Сен жон дилдан севган спорт ва санъат ҳамиша ҳамроҳинг бўлсин. Сенга узок умр бахт-саодат тилаймиз.

**Даданг, онанг, сингилларинг
ЭЛМУРОДОВлар.
Оқтош шаҳри.**



[Ҳажвия]

МИРПАРПИ уйланди. Бироқ, орадан ҳафта ўтмай келин оғриб қолди. Келиннинг ёнига қайнонани қўйиб, ўзи дўхтирга чопди...

Мирпарпи қишлоқ шифокори Бойдадаевни тез топди. Озиқ-овқат дўкони пештахтасига суяниб турган дўхтир беморнинг аҳволини сағал суриштирган бўлди-да, дорига қоғоз ёзиб берди...

Куёв тўра энди дорихонага югурди. — Ука, сизларда шу доридан... — дейиши билан хушрўйгина йигит қоғозни олиб ўқигач:

— Ака, янги дорига ўхшайди. Бизда «Шодипозинин» йўқ. Район марказида бўлса, бордир, — деди.

Мирпарпи ўйланиб-нетиб ўтирмай, автобус бекатига кетди. Учакишгандай автобус йўқ. «Ҳозир кетди-я, бир

дақиқа кечикдиз» дейишди. Шу пайт йўловчи такси келиб қолди, у «Волга»-га қараб югурди.

Район марказидагилар уни шаҳарга йўллашди. Бу ерда Мирпарпи бир эмас, тўртта дорихонага кириб сўради. Аммо Шодипозинин топилмади. Кимдир «Тошкентда бўлса керак» деб «йўққа» қараганда дурустроқ жавоб қилди. Терлаб-пишган куёвбола очиққанига ҳам парво қилмай қўлидаги соатига қаради. Чоракам ўн икки. Кечгача самолётда Тошкентга икки марта бориб келса бўлади. Лекин Мирпарпи чўнтагини ковлаб бўшашиб кетди. Ҳозир йўлқира нархи осмонда-ку.

Ноилож Фарғонадан яна қишлоғига қайтди.

Колхоз идорасига етганда Мирпарпи папирос олмақчи бўлиб дўконга

кирган эди. Яна Бойдадаевни учратди. Ундан ёзиб берган дорисининг нархини сўраган эди, билмади. «Тополмаган дорингизнинг нархи на даркор, Мирпарпивоё» дегани иззат-нафсига тегди. Рўпарадаги алоқа бўлимига кириб хат ёзди: «Тиббиёт вазирлигига... Мен «Шодипозинин» дорисини изламаган жойим қолмади. Фарғонанинг ярмини кезиб ахтардим. Лекин, ҳеч қаерда йўқ. Шу дорини топишга ёрдам беринглар. Айтгандай нархини ҳам, жуда-жуда билишим керак, илтимос...»

Орадан роппа-роса бир ҳафта ўтганда Мирпарпининг номига хат ва кичкина қутичада дори келди. Хатда шундай дейилибди:

«Хурматли ўртоқ М. Сафаров! Дорининг номи сиз юборган рецепт қоғозда нотўғри ёзилган. Тополмаганингизнинг сабаби шу. Яъни дорининг номи «Шодипозининг» эмас, балки «Адипозинин» бўлиб, нархи бир сўм олтмиш тийин.

Биз сизга ушбу доридан юбордик, дорига қоғоз ёзган дўхтирга ҳам кўрсатиб қўйинг, қанақалигини билиб олсин». Мирпарпи қўлида юқоридан келган 4851-сонли хат билан дўхтир Бойдадаевнинг ҳузурига жўнади.

— Вой-бў! — деди у пинагини бузмай, — битта ҳарф тушиб қолганга шунча димоқ-фироқми?

Бекмирза МАХМУДОВ.

МУСАҲҲИХ АДАШГАНДА

Йўғон бошлиғи — (тўғон)
Уйлаб юрган қўйлар — (ўглаб)
На текис қуруқ кўл бор — (йўл)
Зулайҳо кечаси — (кўчаси)
Кенг майкон — (Майдон)
Вода беришди — (вағда)
Ётиб келишини кутди — (етиб)

ҚУЁН БҮЛАҚОЛАЙ

Тўртта безори ярим кечада кино студиядаги дубляждан уйига қайтаётган Мирзо Холмедовнинг йўлини тўсди.

— Жонингдан умидинг бўлса, ёнингдагининг ҳаммасини чиқар!

Жавоб бўлмагач, унга яқин келган йўлтўсарларнинг бошлиғи:

— Ия, ўзимизнинг Мирзабек эканлар-ку. Хўш, артист бола дубляжларда бегемот, хўроз, жўжа ва аллампалар бўлдингиз. Энди бизнинг ҳузуримизда нима бўласиз?

— Тўрт кишига бир ўзим бас кела олмаслигим аниқ, бунинг устига қўлларингизда қуролларингиз ҳам бор, атрофда менга ёрдам берадиган ҳеч ким йўқ. Яхшиси «қуён бўлақолай»!», дебди Мирзабек.

ШИРИН БҮЛДИ

Тўрт йилдан бери бирор оғиз сўз айтмаган, ота-оналари фарзандимиз гунг бўлиб туғилди, деб хафа бўлиб юрган боланинг оғзидан икки оғиз сўз чиқди:

— Ширин экан.
— Нима дединг?!
— Ширин экан.

— Вой, тилингни айлантай, болажоним, сен ҳам гапирар экансан-ку! Нега шу вақтгача лоақал шу икки оғиз сўзини ишлазмадинг?

— Тўрт йил мобайнида бу хонадонда биринчи марта ширин овқат ейишм-да.

Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.

Садоқат

Ш афқатсиз қўллардан отилган тош мусичанинг хаёт чирогини сўндирди. Дарахт новдасида бир нафас осилиб турган кушнинг жонсиз танаси тап этиб, ҳазонлар устига тушди.

Бир дам ўтгач, учиб келган иккинчи мусича жуфтани излаб саросима билан айланди, кейин ҳали совиб улгурмаган жонсиз тана олдиға кўниб, тумшуги билан Уйқудан уйғотмоқчи бўлди. «Ғу-ғу»лаб, ер тепиб унинг атрофида бир неча марта айланди. Ўртаниб, тебраниб ўз тилида фарёд қилди.

Кунлар ўтаяпти. Патларини хўрпайтириб олган ёлғиз мусича ана шу шохда кимирламай ўтиради. У деярли ҳаракатсиз, кўзлари юмук. Ен-атрофидан чуғурлашиб учиб ўтаётган кушларни, дарахт тагида юрган одамларни сезмайди гўё. Ҳар замонда кўзларини очиб, дарахт тагидаги заъфарон ҳазонларга мунгли няғох ташлаб қўяди.


Мусича ҳамон шу ҳолатда.

Ахиллик

Т екис йўлакнинг ён девори бўйлаб чумоли карвони тинимсиз оқади. Текис саф тортиб, тумшугида озика тишлаб олганлари бир томонга, юксаклари қарши томонга юришади.

Бир пайт «карвон»дан четлаган битта чумоли ён томонга озгина юрган эди, пайт пойлаб турган ўргимчак сакраб бориб чумолини тўрига илинтирди. Тезлик билан бир неча марта доира ясаб, чумолини батамом ўраб олди. Унинг питирлашидан дарак топган яна битта чумоли яқин келиб, воқеадан хабар топдида кейин тезда карвон томон йўналди. Тўрт-беш чумоли бўлиб қайтиб келди. Бир муддат мўйловларини қимирлатиб туришгач, бирданига ўргимчакка ҳужум қилиб, қувиб кетишди, қолганлари тутқун чумолини ўраб турган сиртмоқларни «тишлари» билан кесиб ташлашди. Сўнг катта-карвонга қўшилиб, йўлда давом этишди.

Темур ҲАЙДАРОВ.



«ЖУҒРОФИЙ» — ТОПҚИРЛИК МАШҚИ

1. Шимолий Америкодаги мамлакат. 2. Атлантика уммонидаги шимолий ва жанубий Америк китъаси оралигидаги оролар таркибидаги давлат. 3. Африканинг шимолий-шарқидagi кичик давлат. 4. Албания пойтахти. 5. АКШдаги йирик шаҳар. 6. Куба доирасининг нарғи томонида жойлашган Швецариядаги шаҳар. 7. Жанубий Овруподаги митти давлат. 8. Пойтахти Могадишо шаҳри бўлган мамлакат. 9. Саудия Арабистонидаги муқаддас шаҳар. 10. Мали Республикаси пойтахти. 11. АКШнинг фарбидаги штат. 12. Мексика пойтахти. 13. Испаниянинг ўрта денгиз бўйидаги бандаргоҳ шаҳри. 14. Бахрайи давлати маркази. 15. Ўзбекистондаги яйловларга бой тоғ. 16. Замбия мамлақати пойтахти. 17. Мали Республикасининг Хабашистон чегарасидаги шаҳар. 18. Жанубий Америкодаги давлат пойтахти. 19. Хабашистон шимолидаги шаҳар. 20. Тожикистондан оқиб ўтувчи дарё. 21. Фарбий Африкадаги давлат. 22. Жазондаги вилоят маркази. 23. Швецария ва Фарангистондаги кўл. 24. Испаниянинг Венеция вилоятидаги шаҳар. 25. Атроф мухит, борлик. 26. Болтик денгизлида, Рига кўлини яқинидаги орол. 27. Жанубий Америкодаги дарё. 28. Филиппин республикаси пойтахти. 29. Тожикистон билан Ўзбекистон чегарасидаги тизма тоғ. 30. Форс кўлини саҳнидаги давлат. 31. Туркия пойтахти. 32. Сибирдаги дарё. 33. Волга дарёсининг чап irmoғи. 34. Жанубий Америкодаги мамлакат. 35. Куба республикаси пойтахти. 36. Фарбий ярим шардаги канал.

Ф. ОРИПОВ тузган.

— Йигитлар, Коляга сир ишонса бўладими?

— Бўлмасамчи. Бундан тўрт йил олдин унинг ойлиги ошганлигини хотини ҳалигача билмайди.

* * *

— Алло, азизам! Бу — сен мисан? Менга турмушга чиқшга рози бўлдингми?

— Ростдан сўраяпсанми?

— Бўлмасамчи.

— Унда буну қуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Беш минутлардан кейин қўнғироқ қилақол.

* * *

Куёв:

— Тўйимиз кечагина бўлдику, сен бугундан жанжал чиқараяпсан?

— Ахир мен бу кунни икки йилдан бери кутаман-ку?

* * *

— Турмушга чиққанимни ишонсада билиб қолишса, албатта ишдан бўшатишадиди-да.

— Буну улардан сир тут.

— Мабодо фарзанд кўриб қолсақ-чи?

— Бу ҳақда ҳеч кимга айтмасликни унга тайинлаб қўямиз.

* * *

Хотин эрига:

— Яқшанбани қандай қилиб пивбарда ўтказиш мумкинлигини ҳеч тушунолмайман!

— Тушунолмайман, тушунолмайман, дейсан. Унда нима қиласан тушунмаган нарсанени ҳадеб суриштиривериб?

* * *

— Вовканг яна мени ҳам ёнимдан пул ўмарибди, — деди жаҳли чиқиб ота.

— Нега у ўмараркан? — йғлини ёнини олди она.

— Балки мен олгандирман? — Бўлмаган гап! Унда ҳамёнимда бироқ пул қолибди-ку?

* * *

— Игорь, янги турмуш қурган кунларимиз яхши кийналар эдинг, ҳозир эса ундай эмас.

— Янглишайсан, азизам. Ахир бу костюмни йигирма йил аввал — тўй кунни кийган эдим-ку!



ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

АҚШ МЕХНАТ вазирлигининг таъкидлашига кўра, 1987 йилдан 1997 йилгача ҳарбий харажатларнинг кискариши туфайли Америкада 2 миллион ишчи ўрни йўқолар экан.

ШИМОЛИЙ Корея Президенти Ким Ир Сенинг меросхўр бўлиши тахмин қилинаётган ўғли Ким Чен Ир мулоффа бўйича миллий комиссия раиси этиб тайинланди. Бу мамлакат бўйича энг юқори ҳарбий даража ҳисобланади.

УКРАИНАДАГИ аэропортларда 15 апрелдан бошлаб собик СССРдаги мустақил давлатларнинг фуқаролари ҳам чегара ва боғжона назоратидан ўтишлари шарт қилиб кўйилди.

АФҒОНИСТОН Ислом Республикаси ҳукумати аёл сўхандонларни бир йиллик таъқиддан сўнг ойнаи жаҳонда чиқишларига рухсат берди. Улар фақат Ислом қондаларига риоя қилган ҳолда бошларига қора рўмол ўраган бўлишлари шарт.

АҚШ МУДОФАА вазирлиги ҳарбий жамғармалар камайганлиги муносабати билан стратегик захирадаги олмослардан маълум қисмини сотишга тайёргарлик кўрмоқда.

АҚШдан НОРИЛЬСККА ҳайрия ёрдами тариқасида келтирилган сариёғнинг катта партияси маҳаллий санэпид-

станция томонидан истеъмолга яроқсиз деб топилди. Сариёғ таркибиде кўп миқдорда оғир металллар (мис, кўрғошин, рух) борлиги аниқланган.

БЕЛАРУСЬ пойтахти Минскда Европада энг катта бўлган аэропорт фойдаланишга топширилди. У 66 минг 400 квадрат метр майдонни эгаллаган. Аэропортда бир соат ичида икки минг йўловчига хизмат кўрсатиш мумкин.

ЭРОН Ислом Республикасининг қуруқликдаги қўшинлари, Ҳарбий Ҳаво Қучлари ва Ҳарбий Денгиз Қучларининг Форс кўрфазида «Ғалаба-4» белгиси остида ўтадиган ўн кунлик машқлари 25 апрелда бошланади. Бу ҳақда Эрон армияси қўшинлари кўмондонларининг матбуот конференциясида айтилган.

ГОЛЛАНДИЯДА пивога бўлган талаб йилдан-йилга ортиб бормоқда. Голландия пиво тайёрлаш марказий идораси ходимлари томонидан ўтқазилган татқиқот натижаларига қараганда ўтган йили аҳоли жон бошига ўртача 90,2 литрдан пиво ичилган. Бу 1991 йилдаги истеъмол даражасидаги 1,7 литр кўпдир. Пиво ишлаб чиқариш 1992 йилда 1 миллион декалитр ортиб, жаъми 20,7 миллион декалитрга етказилди. Унинг 7,5 миллион декалитри хорижий мамлакатларга сотилган.

Ноёб асар

БОҒДОД шаҳридаги «Ар-Рашид» меҳмонхонасига кирувчилар эндиликда Американинг собиқ президенти Ж. Буш суратини босиб ўтадиган бўлишди. Унинг мозайкали сурати меҳмонхона полига 4 квадрат метр катталиқда ишланган.

Бу «ноёб асар» муаллифи Ироқ президентининг ўғли Удайдир.

Меросхўр шиллиққурт


КАЛИФОРНИЯЛИК миллионер аёл ўз боғида яшаётган шиллиққурт учун 22 миллион доллар маблағни васият қилиб қолдирди.

Кексайиб қолган бу аёл Сэмми лақабли ўз молюскасини жуда яхши кўрган. Ҳаётининг сўнги йилларида у боғда шиллиққурт билан бир неча соатлаб «сухбатлашиб» ўтирган. Васиятномага кўра, у қолдирган маблағ Сэмми яшаётган боғни парваришлагга сарф қилинади.

Мўйлабмисан—мўйлаб

66 ЯШАР Калиан Рамжи Саин соқолини мўйлаби билан қўшиб ўрса, узун мўйлабга айланади.

Бундан 16 йил муқаддам Саиннинг кўзини операция қилган жарроҳ бир неча ҳафта юзини ювмасликни тайинлаган эди. Жарроҳ маслаҳатини бажариб, соғая борган сари у мўйлабининг жуда тез ўсаётганини сезиб қолди ва мўйлабини қўйиб юборди. Ҳозир Саин мўйлабининг узунлиги 327 сантиметрга етиб, ўсишда давом этмоқда. Бу эса «Гиннеснинг рекордлар китобида» рўйхатга олинган мўйлабдан анча узундир.



Миср Араб Республикаси ўзининг қадимий обидалари билан машҳур. Ҳар йили кўплаб сайёҳлар уларни томоша қилгани дунёнинг турли бурчакларидан бу ерга келишади. Сутарда: Қохиродаги «Улик сарой» обидаси.

ҚАМОҚ — АЖРАЛИШДАН ЯХШИРОК

Тель-Авив яқинидаги Ремлега жойлашган қатъий режимли «Авалон» қамоқхонасида 80 ёшга кирган Йекья Авраам ўттиз йилдан бери ўтирибди. У ҳеч қандай ўлдирмаган, ҳеч қандай алдамаган ва ҳатто ҳеч нарсани ҳам ўғирламаган экан. Бундай қараганда у ҳеч қандай жиноятчи ҳам эмас. Авраамнинг бор йўқ гуноҳи хотинининг талоқ хатини бермаганлигидадир. Шу туфайли у ўттиз йилдан бери панжара ортида ўтирибди. Рухонийлар суди ажралиш ҳақидаги қарорларини бажармаган эркакларни ана шундай жазолайди. Исроилда эрининг розилгисиз ажралиши мумкин эмас.

Авраам ва унинг хотини Ора ўрта-сидаги ажралиш жараёни Исроилдаги бу соҳада бўлган рекордларни барчасини ортда қолдирган: улар-

нинг иши жуда узок вақтдан бери давом этиб келаёттир. Улар Яманда турмуш қуришган бўлиб, Ора ўша пайтда 12 ёшда бўлган. Оила Исроилга кўчиб келгач Авраамнинг хотини икки қиз кўрган. Авраам эса ўғил туғмадинг деб «норозилик сифатида» уйдан бир неча марта кетиб қолган. Бу Оранинг жонига тегиб кетган ва бундан 40 йил олдин 24 ёшда икки қизини олиб эриникдан кетиб қолган. Ажралиш учун эрини судга бериб икки қизини тарбиялай бошлаган. Қасалхоналарда кир ювиб тирикчилик учун пул топган. Орадан бир йил ўтгач Оранинг аризасини кўриб чиққан рухонийлар суди Авраамга хотини билан ажралишга розилик беришини буюришган. Лекин у суд ҳукмига тўққиз йилгача бўйсунмай

юрди ва алимент ҳам тўламади. Шундан сўнг бу қайсар одамни қамоқхонага жўнатишган. Агар у судьялар ҳукмини «хўп» деб бажарса ҳозир ҳам қамоқдан чиқариб юбориларди. Лекин у ажрашгандан кўра қамоқхонани афзал деб билмоқда.

Яқинда қамалганлигининг 30 йиллиги муносабати билан Авраамнинг олдида рухонийлар вакиллари келишган. Ногиронлар аравачасида ўтирган қария бу сафар ҳам ўз сўзида туриб олган.

Рухонийлар мабодо Авраамни шундайлигича қўйиб юборишса қаёққа бориши билан қизиқишган. «Хотинининг олдида бораман»,— деган у. Лекин Ора уни қабул қилармикин?

Анатолий РЕПИН.

Ишонч

БОШ МУҲАРРИР
ТЎЛҚИН ҚОЗОҚБОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Акmal АҚРОМОВ
(бош муҳаррир муовини),
Абдуманноп АЛИМБОВ,
Муҳаммадлатиф ЖУМАНОВ,
Турғунбой МАДИЕРОВ,
Турғун НАЗАРОВ
(масъул котиб),
Абдураул РЎЗМАТОВ,
Саминжон СУЛТОНОВ
(вилоят муҳбири),
Муҳайё ТЎЛАГАНОВА,
Шабот ХЎЖАЕВ,
Санобар ХЎЖАЕВА,



- Бош муҳаррир қабулхонаси 56-25-36
- Бош муҳаррир муовини 56-52-89
- Масъул котиб 56-52-78

БЎЛИМЛАР

- Мухбирлар билан ишлаш — 56-82-79
- Маданият, маънавият ва хатлар 56-87-78, 56-87-63.

- Ишлаб чиқариш ва хўжалик — 56-55-85.

ВИЛОЯТЛАРДАГИ

МУҲБИРЛАРИМИЗНИНГ
ТЕЛЕФОНЛАРИ:

- Андижонда — 5-32-24;
- Бухорода — 3-50-10
- Гулистонда — 2-10-02;
- Жиззахда — 2-39-54;
- Навои — 3-59-99;
- Наманганда — 6-22-10;
- Нукусда — 4-19-97;
- Самарқандда — 35-63-64;
- Термизда — 2-70-07;
- Тошкентда — 56-87-95;
- Фарғона — 4-28-29
- Урганч — 6-03-40
- Қаршида — 5-33-71;

● Мухарририят га келган қўл-ёзмалар (2 ораликда 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайдди, фойдаланилмаган хатларга жавоб юборилмайдди. Таҳририят во-ситачилик қилмайдди. Мақоалалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

● Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

ГАЗЕТАМИЗ ҲОМИЙЛАРИ:

Ўрта Осиё электр аппаратлари илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси,
Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ райони Ким Пен Хва номидаги корпорация.



- Сотувдаги нархи 10 сўм.
- ШАНБА кунлари чиқади.
- БОСИШГА 16 апрелда топширилди.

Навбатчи масъуллар:

Акmal Ақромов,
Жонрид Абдуллахонов.

МАНЗИЛИМИЗ:

700165, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, 24-уй.

- 85.330 нусхада босилди.
- Нашр кўрсаткичи: 64560; 64561.